

**Xushmuomalalik  
va kamtarlik kishi-  
ning chinakam  
ma'rifatli ekanligi-  
dan darak beradi.**

**Onore BALZAK**



# Ma'rifat

**ENLIGHTENMENT**

**XALQ ZIYOLILARI GAZETASI**

**معرفت**

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 16-oktabr, shanba

№ 84 (7693)

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

**15 октябрь куни халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.**

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда вилоятда иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу ўзгаришлар нафақат Фарғона, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида из қолдирган ютуқлардир. Жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси замонавий технологиялар асосида реконструкция қилинди. Пахтадан ип-калава, газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қабул-Фарғона компани», «ДЭУ-текстел», «Бештекс» каби замонавий қўшма корхоналар ишга туширилиши пахта хомашёсини ўзимизда қайта ишлашда, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни пайтда, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, кейинги таҳлиллар вилоятда эришилган ютуқлар билан бирга қатор соҳаларда орқага кетиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг кейинги уч-тўрт йиллик таҳлили шуни кўрсатадики, саноат маҳсулотларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2003 йилда 1997 йилдаги 30 фоиздан 15,5 фоизга тушиб қолган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиддий оқсаш кўзга ташланмоқда. Пахта ҳосилдорлиги 2000 йилда қарийб 30 центнерни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб 18,7 центнергача пасайган.

Қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, ижтимоий соҳалар ривожини ҳам талаб даражасида эмас.

Буларнинг сабаблари вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни янги асосда ташкил этиш, хорижий инвестиция иштирокида қўшма корхоналар очишга етарлича эътибор берилмаётганидир. Бошқача айтганда, ташкилотчилик ва талабчанлик бўшашиб кетган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Алишер Отабоев ўз аризасига биноан Фарғона вилояти ҳокими вазиридан овоз қилинди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Шермат Нурматов Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Э.Воҳидов, Қўқон шаҳар ҳокими М.Усмонов, Қува тумани ҳокими О.Холбеков, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари И.Аминжонов, Марғилон шаҳридаги «Истиқбол» гимназияси ўқитувчиси З.Аҳмедова ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

**Фулом МИРЗО,  
Маъсуд СУЛАЙМОН,  
ЎзА махсус  
мухбирлари**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Р.С.Қосимовни Ўзбекистон  
Республикаси Бош вазирининг  
ўринбосари — олий ва ўрта махсус  
таълим вазири этиб тайинлаш  
тўғрисида**

Рустам Собирович Қосимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 13 октябрь

### SO'NGGI UCH KUN MUJ DALARI

#### MAJLIS

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бо'ритош Mustafoev бoshqardi.

Shu kuni Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи kotibi Asliddin Rustamovga Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик palatasi deputatlari saylovida ishtirok etishga ijozat berish to'g'risida»gi qarorining nusxasi topshirildi.



*Бола боғчага илк қадам қўйганда унинг ушбу муассаса ҳақидаги тасаввурлари уни тезроқ шу масканга боришга ундайди. Боғчага бориб ўзига муносиб дўст топади, тарбиячи опанинг ҳам характериға ўрганиб боради. Турли хил ўйинчоқлар ва ўйинлар ўйнаб ҳар бир кунини мазмунли ўтказди. Албатта, бунинг учун ўша масканда бола учун шароит етарли бўлиши даркор. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 26-мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчилар учун барча шароит-*

*лар етарли. Тарбиячилар болалар билан олиб бориладиган машғулотларни махсус жиҳозланган хоналарда амалга оширишди. Муассаса тарбияланувчилари эса жонли бурчакдаги қушларни томоша қилиб, турли ўйинчоқларни ўйнаб завқ оладилар. Болаларга мазмунли таълим-тарбия беришда Дилором Сиддиқова ва ёш тарбиячи Гулнора Мусохўжаеванинг меҳнатлари катта.*

**Б. РИЗОКУЛОВ олган суратлар.**

<b>ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:</b>	<b>ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ: УНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?</b> 3-бет	<b>КУЗГИ- ҚИШКИ МАВСУМ</b> унга тайёргарлик қай аҳволда? 6-бет	<b>«А» ВА «Б» ЛАР «ЖАНГ»И</b> қачон ниҳоясига етади? 8-9-бетлар	<b>«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» БОШ- ҚОТИРМА</b> 16-бет
-----------------------------------	--	--	---	--

SO'NGGI  
UCH KUN  
MUJDALARI

## UCHRASHUV

**Mamlakatimizda mehmon bo'lib turgan Bosniya va Gertsegovina tashqi ishlar vaziri Mladen Ivanich rahbarligidagi delegatsiya O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi raisi Alisher Shayxov va tashqi ishlar vaziri Sadiq Safoev bilan uchrashdi.**

**Muloqot chog'ida ikki mamlakat aloqalarini rivojlantirish istiqbollari, xalqaro tashkilotlar doirasidagi hamkorlikka oid masalalar muhokama etildi.**

## KO'RGAZMA

**O'zbekiston Badiiy akademiyasi Markaziy ko'rgazmalar zalida «Ustoz va shogirdlar» mavzuida ko'rgazma ochildi. Unda O'zbekiston xalq rassomi Rahim Ahmedov hamda shogirdlari yaratgan ikki yuzdan ziyod sara asar namoyish etilmoqda.**

## VAZIRLAR MAHKAMASI MAJLISI

15 oktyabr kuni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилнинг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлашга бағишланган мажлиси бўлди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Йигилишда Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодий янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берган устувор вазифаларни бажариш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди.

Жорий йилнинг ҳисобот даврида барқарор макроиқтисодий мувозанатни сақлашга, иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини кўпайтиришга, аграр секторда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, товар ва валюта бозорларини эркинлаштиришга, маъмурий ислохотни амалга оширишга қаратилган чуқур институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Банк-молия соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида инфляция даражаси 0,3 фоизгача пасайди. Айни пайтда профицит билан ижро этилган давлат бюджетининг барқарорлиги, мамлакат тўлов балансининг ижобий сальдоси ва олтин-валюта захираларининг ўсиши билан тавсифланадиган макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Хусусан, иқтисодий ўсиш суръатларининг динамика тезлашиши таъминланди. Ўтган тўққиз ойда мамлакатимизда

иқтисодий ўсиш 108,9 фоизга етди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши 10,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 14,2, асосий капиталга инвестициялар 3,0, транспорт ва алоқа хизматлари ўсиши 9 фоизни ташкил этгани ҳам буни тасдиқлайди.

Экспорт ҳажмининг 34,6 фоизга ортиши ташқи савдода туб ўзгаришларни рўёбга чиқарди. Бунга биринчи навбатда кимё саноати маҳсулотлари ва пластмассалар, озиқ-овқат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар экспорти ўсиши ҳисобига эришилди. Ташқи савдо айланмасида 815,3 миллион АҚШ доллари миқдоридан ижобий сальдо қўлга киритилди. Бу 2003 йилнинг шу давридагидан 300 миллион АҚШ доллари кўп, демакдир.

Маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш прогнозга нисбатан 112,3 фоизга ўсди. Айни пайтда бундай маҳсулотлардан 154,4 миллион АҚШ доллари миқдоридан экспорт қилинди. Маҳаллийлаштириш доирасида 2500 тадан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

Ҳисобот даврида аграр секторда ҳам сифат ўзгаришларига эришилди. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, аввало, фермер хўжаликлари ҳисобига кўпайди. Пахта, ғалла, картошка, мева-сабзавот, узум, гўшт-сут маҳсулотлари етиштириш салмоғи сезиларли даражада ортди.

Мажлисида давлат активларини сотишнинг янги мослашувчан шакллари жорий этилиши, хорижий инвесторлар билан ишлашнинг фаоллаштирилиши эъзага хусусийлаштириш дастурини амалга оширишнинг жаддалашуви таъминлагани қайд этилди. Жумладан, сотилган объектлар сони ўтган йилнинг

шу давридагига нисбатан 1,6 баравар кўпайди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳажми 1,7 баравар, жумладан, хорижий инвестициядан келган маблағ бир ярим баравар кўпайди. Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори айланмаси 1,7 баравар ўсди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган хорижий сармоянинг, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмининг қарийб икки баравар кўпайишига эришилди.

Шу билан бирга, мажлисида иқтисодиётнинг муайян йўналишларидаги мавжуд муаммолар жиддий танқид қилинди. Ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни, биринчи навбатда, энергетика, кимё саноати, ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларида, коммунал хизматлар ва қишлоқ хўжалигида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳажмини пасайтириш вазифалари мўлжалдаги даражада бажарилмади.

Маҳаллийлаштириш дастури топшириқларини тўла адо этишга етарлича эътибор қаратилмади. Кичик бизнеснинг ривожланиши учун янада қулай шароит яратиш, салмоғини ва иқтисодий ўсишдаги улушини кўпайтириш ҳам талаб даражасида эмас. Шунингдек, инвестиция дастури топшириқларининг бажарилишини, айниқса хорижий инвестицияни ўзлаштиришни янада тезлаштириш даркор.

Касб-хунар коллежи ва академик лицейлар, умумтаълим мактаблари қуриш ва капитал реконструкция қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури топшириқларини мукамал бажариш масалаларига янада жиддий эътибор қаратиш зарур.

Иқтисодий-ижтимоий янгилар

нишлар йўлига тўсиқ бўлаётган бундай камчилик ва нуқсонларни бартаф эйтиш чораларини кўриш лозим. Иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришни кўзда тутувчи энг муҳим, устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада юксалтириш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мажлисида Меҳр ва мурувват йили ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурларининг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фонднинг 2004-2005 йиллар куз-қиш даврига тайёргарлиги, маҳаллийлаштириш ва инвестиция дастурларининг бажарилишига доир масалалар атрофича муҳокама этилди. Ушбу соҳалардаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартаф эйтиш чора-тадбирлари белгиланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Ў.Султонов, Э.Ғаниев, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директори Ҳ.Ҳолмухамедов, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг бош директори И.Вагапов, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Э.Шоисматов, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов ва бош қаларининг ахбороти тингланди.

Мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

## ЯНГИ ҲУНАР МАСКАНИ



Қизилтепа туманидаги "Зармитан" ширкат хўжалиги ҳудудига "Реватун" иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўз фаолиятини бошлади. 600 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган янги хунар масканини "Темур Малик" ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этди.

Дастлабки йилнинг ўзига касб-хунар коллежи 375 нафар ўқувчини бағрига олди. Бу ерда бух-

галтер-аудитор, менежмент, молиячи, компьютер жиҳозлари, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш, тикувчи ҳамда ҳайдовчи мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади. Уларга 82 нафар малакали муаллимлар билим беради.

**Суратларда: коллежнинг умумий кўриниши ва фаолиятдан лавҳалар С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар**

## Xalqaro hamkorlik

Андижон маиший хизмат касб-хунар коллежидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ЎМКХТ Маркази, вилоят ҳокимлиги, Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси доирасида учрашув ўтказилди.

Учрашув маросимини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКХТ Маркази раҳбари Ж.Хусанов кириш сўзи билан очди. Анжуманда Швейцариянинг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва муқтор элчиси жаноб Питер Бурхард қатнашиб, дил сўзларини изҳор этди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Ибрагимов мамлакатимизда ёшларнинг билим олиб, касб-хунар ўрганишига бўлган юксак эътибор ҳақида сўз юритди.

КАСБИЙ КЎНИКМАЛАР  
РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари, жаноб Урс Херрен, "ЎзДЭУавто" кўшма корхонаси ижрочи директори И.Аҳмаджонов, "Андижонкабель" очик акциядорлик жамияти бош директори Е.Одилов, Хонобод компьютер технологиялари коллежи директори А.Нуриллаев, Андижон шаҳар ҳокими А.Собиров касбий кўникмаларни ривожлантириш лойиҳаси ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта ўрганишига, билимли бўлишига шароит яратишини таъкидладилар.

2004 йилнинг апрель ойдан буён амалга оширилиб келинаётган ушбу лойиҳа доирасида мутахассислар тайёрлашнинг энг самарали усулини мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ҳам кенг ёйиш мақсадида дуал тизимини такомиллаштириб бориш назарда тутилган.

Маросимда швейцариялик меҳмонлар мазкур касб-хунар коллежига янги қабул қилинган ўқувчиларга ўқув адабиётлари ва дарсликлардан иборат совғаларини топширишди.

МУҲБИРИМИЗ

Маълумки, жорий йилнинг 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Шу муносабат билан, газетамиз Сизларга бўлиб ўтадиган сайловларга оид бир қатор мақолалар ва суҳбатларни мунтазам равишда тақдим этиб келмоқда.

“Ma'rifat”нинг бугунги сонида Сиз азиз ўқувчилар диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Нуриддинжон ИСМОИЛОВ билан уюштирган суҳбатимизни ҳавола этамиз.

**ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ АФЗАЛРОҚ**

— Нуриддин ака, бугунги кунда кўпчиликда нима учун бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтпмиз, деган савол туғилиши табиий. Сизнинг фикрингизча, бир палатали парламент афзалми ёки икки палаталими?

— Бир палатали парламент тизимининг ўзига хос ижобий жиҳати, биринчидан, унинг соддалиги ва шаклланишининг осонлигида бўлса, иккинчидан, қонун ҳужжатларининг тезроқ қабул қилинишида кўринади. Лекин бугунги шароитда Ўзбекистон учун, менинг фикримча, икки палатали парламент афзалроқ ҳисобланади. Чунки, икки палатали парламент тизимида мувозанатни сақловчи иккинчи палата мавжуд бўлади, аҳолининг турли қатламлари ва мамлакатнинг турли маъмурий-жўрофий ҳудудлари манфаатлари кенгроқ ифода этилади, қабул қилинадиган қонунларнинг янада пишиқроқ ва мукамалроқ бўлиши таъминланади.

Қолаверса, палаталар бир-бирини ўз назоратида ушлаб туриши, парламент ва бошқа ҳокимият тармоқлари орасида ўзаро мувозанатнинг вужудга келиши жамиятда сиёсий барқарорлик асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда сиёсий партияларнинг аҳамияти ортиб, уларнинг қонунчилик жараёнидаги иштироки фаоллашади, фикрлар хилма-хиллигига янада кенгроқ шароитлар яратилади.

**ДУНЁ ТАЖРИБАЛАРИ**

— Бўлғуси парламентимизни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб ўтсангиз...

— Жаҳон амалиётига назар ташласак, парламентни шакллантиришнинг қатор усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида энг кенг тарқалгани — парламентнинг умумхалқ сайлови асосида шакллантирилишидир. Агар парламент икки палатадан иборат бўлса, одатда, унинг куйи палатаси аъзолари бевосита фуқаролар томонидан сайланади. Юқори палатаси эса, турли йўллар билан, хусусан, умрбод ёки муайян муддатга тайинлов асосида, ворислик натижасида, куйи палата аъзолари орасидан сайлов ўтказиш йўли билан, турли ижтимоий табақа аъзоларига муайян ўринлар ажратиш орқали, маъмурий-ҳудудий мансублик асосида шакллантирилиши мумкин. Масалан, икки палатали парламентга эга бўлган Францияда куйи палата аъзолари бевосита ушбу мамлакат фуқаролари томонидан сайланади, юқори палата эса, маъмурий ҳудудлар (вилоятлар)нинг вакиллик органлари томонидан шакллантирилади. Бундай усул Голландияда ҳам қўлланилади. Буюк Британия парламентининг куйи палатаси (Вакиллар палатаси) аъзолари

бевосита фуқаролар томонидан сайланса, юқори палата (Лордлар палатаси) таркибининг учдан икки қисми ворислик асосида шаклланади, қолган қисми эса, Кирилича томонидан тайинланади. Норвегия ва Исландияда парламентларнинг куйи палаталари аъзолари халқ томонидан сайланади, юқори палаталари айнан куйи палата аъзолари орасидан ушбу палата йиғилишида сайлов асосида шакллантирилади. Осиё қитъасида жойлашган Қатар давлати

давлат ҳокимияти органлари бундан буён депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар. Эндиликда сайловчиларнинг ўзлари ва сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда янада фаол қатнашиш ва бу орқали, давлат ва жамият бошқаруви ишида кўпроқ иштирок этиш имконига эга бўлдилар. Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилаётган шахс сайлов кунига қадар йигирма беш ёшга тўлган, сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган бўлиши лозим.


Мамлакатимиз парламентига бўлиб ўтадиган сайловларни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини сарҳисоб қилишда Республика Марказий сайлов комиссияси муҳим ўрин тутди. У мустақил орган ҳисобланади ва ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, сайлов тўғрисидаги референдум тўғрисидаги ҳамда бошқа тегишли қонунларга амал қилади. Бу каби омиллар, албатта, сайловларнинг адолатли

лаш; Республика Президентининг тайинлов тўғрисидаги бир қатор фармонларини тасдиқлаш ва шу каби бошқа ваколатлар киритилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари қаторига палата Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш; палата депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш каби ваколатлар киритилди.

Олий Мажлис палаталари ўз фаолиятларини ташкил этишда ҳамда ўзларининг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда тегишли палаталарнинг регламентлари тўғрисидаги қонунларга риоя этишлари лозим.

Хуллас, ваколатлар тақсимланишига алоҳида ёндашилгани, яъни биргаликдаги ваколатлар, Сенатнинг мутлақ ваколатлари ва Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари аниқ бел-

**Сайловга 71 кун қолди**



қонунларни маъқуллайдиган ёки рад этадиган, давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал қиладиган сенаторлар бундай ҳуқуққа эга бўлмайдими?

Тўғри, кўпгина ривожланган давлатлар парламентида ҳар иккала палата аъзолари қонунчилик ташаббусига эга. Лекин парламент тажрибаси бу ўзини оқламаётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, бир қатор экспертлар бу амалиётни нотўғри деб баҳоламоқдалар. Бизда Олий Мажлис палаталари ўртасида бирон-бир қонун лойиҳаси юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликларни имкон қадар камайтириш ва, шу йўсин, мамлакатимиз Парламентининг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис юқори палатаси — Сенат ва унинг аъзоларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилмаган.

Қонун лойиҳаси чуқур таҳлил ва ўрганишни тақозо этади. Тайёрланган ҳар қандай қонун лойиҳаси аввал куйи — Қонунчилик палатаси депутатлари муҳокамасидан ўтади. Депутатлар уни қабул қилганларидан сўнг парламентнинг юқори палатаси — Сенатга юборилади ва мазкур палата аъзоларининг тасдиғидан ўтиши лозим бўлади. Сенат рад этган қонун ҳужжати Қонунчилик палатасига қайтарилади.

**КЕЛИШМОВЧИЛИК ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?**

Албатта, парламент икки палатадан иборат бўлганидан кейин улар ўртасида қонунларни қабул қилиш ва маъқуллаш жараёнида келишмовчиликлар чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда, қонунда белгиланганидек, палаталар ўртасида тенглик асосида келишув комиссияси тузилади. Шу ўринда эътироф этиш керакки, келишув комиссияси деган тушунча миллий қонунчилигимизга биринчи мартаба кириб келаяпти.

Парламент палаталари муҳокамаси ва тасдиғидан ўтган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун Республика Президентига юборилади. Президент қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришга ҳақлидир.

Қолаверса, бундан буён, қонун лойиҳаларини биринчи, иккинчи ўқишда кўриб чиқилган ташқари, ҳатто учинчи ўқишда ҳам кўриб чиқиш ва қабул қилиш институтининг пайдо бўлиши миллий қонунчилигимиз жараёнидаги муҳим янгилеклардан бири бўлади, дейиш мумкин.

“Ma'rifat” нинг махсус мухбири Шерзод АҲМАТОВ суҳбатлашди

**ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ: УНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?**

парламентининг барча аъзолари давлат раҳбари томонидан тайинланади. Миср, Ҳиндистон ва Хитой давлатларида аҳолининг алоҳида синфлари (деҳқонлар, ишчилар, ҳарбийлар) учун мамлакат парламентида муайян ўринлар ажратилган.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?**

Ўзбекистон Парламентини шакллантириш йўллари 2003 йил 28 августда янги тахрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда белгиланган.

Ушбу Қонунга кўра, Олий Мажлис куйи палатаси — Қонунчилик палатаси аъзолари, яъни депутатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, юқори палата — Сенат аъзоларининг, яъни сенаторларнинг асосий таркиби эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси эса, мамлакат Президентини томонидан тайинланади.

Демак, куйи палата депутатлари тўғридан-тўғри сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар кўрсатган номзодлар орасидан сайланса, Сенат поғонали сайлов ва тайинлов асосида шакллантирилади. Бу миллий парламентимиз шакллантирилишининг ўзига хос муҳим жиҳати десак, мамбулаға бўлмайди.

Қонунга биноан, маҳаллий

ва ҳаққоний ўтишига хизмат қилади.

**СЕНАТ ВА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИ**

— Янги икки палатали Олий Мажлис ваколатлари ва уларнинг палаталараро тақсимланиши тўғрисида маълумот берсангиз.

— Миллий парламентимиз фаолиятини самарали ва умумэтироф этилган халқаро андозаларга мос ҳолда ташкил этиш мақсадида Конституциявий қонунларда Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Уларда Олий Мажлис юқори ва куйи палаталарининг биргаликдаги ҳамда мутлақ ваколатлари доираси ифода этилган.

Юқори палата — Сенат ва куйи палата — Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатларига, жумладан, Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; турли қонунлар қабул қилиш; ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини тартибга солиш; солиқларни жорий этиш; бир қатор маъмурий-ҳудудий масалаларни ечиш; мукофот ва унвонларни таъсис этиш; Бош вазир номзодини тасдиқлаш каби ваколатлар киради. Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари қаторига, хусусан, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш; Конституциявий судни, Олий судни ва Олий хўжалик судини сай-

гилангани икки палата ишининг тўғри ва самарали олиб борилишига хизмат қилади.

— Янги сайланган парламентда қонунчилик жараёни қандай кечади?

— Қонунчилик жараёнига ҳар доим катта аҳамият бериб келинади. Ҳамма учун тушунарли, ҳаётий, адолатли, мукамал ва пишиқ қонунлар яратиш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади.

Қонунчилик ўта мураккаб жараён бўлиб, уни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин: (1) қонунчилик ташаббуси, (2) қонун лойиҳасининг парламент (унинг палаталари)даги муҳокамаси ва у бўйича муайян қарор қабул қилиниши, (3) қабул қилинган қонуннинг имзолалиши ва эълон қилиниши.

Конституцияимизнинг 83-моддасига кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди ва Бош прокурор эгадирлар. Бундай ҳуқуқ қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг айнан номлари зикр этилган субъектларга берилишида чуқур маъно бор. Негаки, мазкур субъектлар умумдавлат аҳамиятига молик вазифаларни ҳал қилишга бевосита алоқадордир.

Бўлажак икки палатали парламент тизимида Олий Мажлиснинг Сенати, унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, нима учун куйи палата қабул қилган



## ЭХТИРОМ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли ўқувчилар ижодиёти марказида буюк аллома Хўжа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар уйғониш даврининг йирик вакили Хўжа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, ибратли ҳаёт йўли ҳақида гапириб бердилар. Айниқса тасаввуф илми асосчисининг уч темурий шаҳзода — Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмад ва Умар шайх Мирзоларни яраштириб, 200 минг лашкарни ўлимдан сақлаб қолгани ҳақидаги ҳикоя йиғилганларни машҳур арбобнинг яна бир ўрناق олгулик ишидан ҳайратлантирди.

Ўқувчиларда тарихга қизиқиш уйғотиш, ўтган давлат ва жамоат арбобларининг ҳаёти билан таништиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта. Зеро, ўтмишни, бой тарихий меросни ўрганмай туриб, келажакка йўл очиб бўлмайди.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА

## 2004-yil — Mehr va muruvvat yili

Инсоний фазилатлар қаторида меҳр-мурувват алоҳида қадрланади. Зеро, кўнглида меҳри бор, кўли очик, мурувватли инсондан ёмонлик чиқмайди. Меҳр-мурувват бор жойда оқибат ҳам бор. Республикамызда 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Хўш, ёш авлод — мактаб ўқувчилари меҳр ва мурувватни қандай тушунадилар? Улар аҳиллик, тотувлик, дўстлик каби фазилатларга қандай ёндашмоқдалар? Ушбу саволларга «Мен меҳр ва мурувватни қан-

## ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРАДИ

дай тушунаман?» мавзусидаги иншолардан жавоб топдик.

— «Меҳр-мурувват Давлат дастури» ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган иншолар танловининг шаҳар босқичи якунланди, — дейди ТШХТББ методика маркази методисти Гулнора Эргашева. — Ҳакамлар ҳайъати 11 тумандан келган иншоларни кўриб чиқиб, 1-ўринга 197-мактаб ўқувчиси Раъно Сотиболдиева, 2-ўринга 293-, 265-мактаб ўқувчилари Ирода Шербоева, Назоқат Исматова, 3-ўринга 49-, 145-, 282-мактаб ўқувчилари Феруза Тўраева, Александра Пак, Ирина Кимнинг ижодий ишларини лойиқ деб топди.

Иншоларни варақлар эканми, ўқувчиларнинг ўзлари яшаётган маҳалла нурунийларига кўрсатаётган ғамхўрликларидан кўнглимиз тўлди. Бундай иншолар танловини ўтказиш ўқувчиларда инсоний фазилатларни камол топтиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи



Избоскан туманидаги 15-мактаб-

## Tajriba, sinov, natija

интернат физика, математика фанларини чуқур ўқитишга ихтисослашган. Бу масканда ўқувчиларни ҳар томонлама камолга етказиш, уларга пухта билим бериш юзасидан қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчиларнинг энг асосий фанларни чуқур ўзлаштиришларида мактаб-интернатда ташкил қилинаётган мактабдан ва синфдан ташқари ишларнинг ҳам самараси юқори бўлаяпти.

Янги ўқув йили бошидан мактаб-интернатдаги тажрибали муаллимлар тавсияси-ю аълочи ўқувчиларнинг ташаббуслари билан ушбу таълим-тарбия масканида фанлар ҳафталикларини ўтказишга келишиб олинди. Фанлар ҳафталигини ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари шу йилнинг август ойида, ўқитувчилар-

лигини бошқариш 8-синф ўқувчиларига ишониб топширилди. Бундай шарафли вазифа масъулиятини ҳис қилган ўқувчилар ҳафта якунида буюк ўзбек математик олимларининг ҳаёти ва ижоди, математика фани ривожига қўшган ҳиссалари, илмий изланишларига бағишлаб кеча ўтказишди. Кеча кун тартибига, ўзбек математик олимлари ҳақида шеърлар, қизиқарли викториналар, математик топишмоқлар, фокуслар киритилди. Тадбир иштирокчиларида, айниқса Мадина Абдулҳақова ва Шаҳноза Мамажанованинг буюк ўзбек математик олимларига бағишлаб ёзган шеърлари катта таассурот қолдирди.

Сентябрь ойининг иккинчи ҳафтаси физика фанига, учинчи ҳафтаси кимё ва биология фан-

## КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМ

### унга тайёргарлик қай аҳволда?

Бугунги кунда мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларининг аҳволи, моддий-техника базаси, ташқи қиёфаси-ю мавжуд шарт-шароитларида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Янгидан қурилаётган ва тубдан реконструкция қилинаётган илм масканлари илғор технологиялар жорий қилиниб, барча қулайликларга эга бўлган замонавий таълим муассасаларига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида республика мактабларида муайян ишлар олиб борилмоқда. Мазкур қарорда белгилаб қўйилган ишларнинг жорий йилга тегишли қисмини ўрганиш борасида Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли мактаблардаги аҳвол билан танишидик.

Мазкур вилоят ҳудудига айни пайтда 897 та мактаб (шу жумладан, 10 та мактаб-интернат) ҳамда 2 та меҳрибонлик уйи мавжуд. Дастурда кўрсатилган мактабларни жорий ва капитал таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда зарур ўқув ва кўргазмалар жиҳозлар билан таъминлаш каби ишлар барча жойларда бўлганидек, мазкур вилоятдаги мавжуд мактабларда ҳам олиб борилди. Жорий йил режаси бўйича 21 та тумандаги 56 та таълим муассасасида бу ҳаракат жадал суръатда бошлаб юборилди. Бугунгача уларнинг

деярли 99-100 фоизига ишлар қўнғилдагидек бажарилди. Таассуфки, айрим туманлардаги, жумладан, Қибрайдаги 4- ва 36-сонли, Юқори Чирчиқ туманидаги 33-сонли мактабларда бу ишлар бирмунча суст олиб борилиши натижасида бироз кечикди. Бу мактабларни таъмирлаш учун ажратилган маблағ асосан 2004 йилнинг 4-чорагида молиялаштирилиши режалаштирилган. Айни кунларда уларга таъмирлашнинг энг сўнгги — якуний босқичи

эскиларидан ҳам фойдаланилмоқда. Хуллас, бу ишларнинг барчаси ўқувчиларнинг мустаҳкам билим олишлари йўлида қилинган саъй-ҳаракатлардир. Дастурда белгиланган ушбу 56 та таълим муассасасида капитал таъмирлаш учун давлат бюджетидан ажратилиши режалаштирилган маблағ 2193,5 млн. сўм бўлиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра 1566,99 млн. сўм маблағ бюджет ҳисобидан молиялаштирилган. Дарвоқе, қолган 814 та мактабда ҳар йилгидек жорий таъмирлаш ишлари олиб борилган. Уларни 2004-2005 ўқув йили учун куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларидан ҳомийлар томонидан 129 млн 888 минг сўм сарфланган.

— Капитал қурилиш ва таъмирлаш ишларида асосан ўзимизнинг маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланилди, — дейди вилоят ХТБ бошлигининг қурилиш ишлари бўйича муовини Шавкат Ҳидояттов. — Жараёнга тажрибали гурагдор-усталар жалб қилинди. Ҳар бир жараённинг намунали кечиши жиддий назоратга олиниб, зарур ашёларнинг вақтида етказиб берилиши таъминланди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган тендер натижаларига кўра, унда юлиб чиққан қурилиш ташкилотларининг тажрибали мутахассислари капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган таълим муассасаларида самарали фаолият кўрсатдилар.

Фофур ЖАБИЕВ,  
«Ma'rifat» муҳбири

## ФАНЛАР ҲАФТАЛИГИ

нинг август кенгашлари олдидан ўтказилган фанлар бўйича шўба йиғилишларида бошланган эди. Шу билан бирга муассасада ташкил этилган фан тўғралакларни имкониятларидан ҳам фанлар ҳафталигини ўтказишда кенг фойдаланилди. Бундан кўзланган мақсад эса фан тўғралаклар, дарслар ва фанлар ҳафталиги ўртасидаги узвийликни таъминлашдан иборат эди.

Ҳафталик ўтказиш режаси мактаб-интернат ички шароитлари, имкониятлари ҳамда ўқувчилар билим даражасини ҳисобга олган ҳолда тузилди. Сентябрь ойининг биринчи ҳафтасида математика ва информатика фанлари ҳафталиги ўтказилди. Уни ўтказишда ташкилий ишларга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Унинг байрамона, қизиқарли ўтиши учун барча имкониятлар ишга солинди.

Шуниси муҳимки, ҳафталикнинг мазмунан бой, қизиқарли ўтишини таъминлашда ўқувчилар ташаббуслари, таклиф ва мулоҳазаларига таянилди. Шу боис математика ва информатика ҳафта-

ларига, тўртинчи ҳафтаси эса инглиз тили фанларига бағишланди. Мазкур фанлар ҳафталиклари ҳам бир-бирдан қизиқарли, мазмунан бой ўтди.

— Ўтказилаётган фанлар ҳафталикларининг ўқувчилар ўзлаштиришларига ёрдами катта бўлмоқда, — дейди мактаб-интернат директори Аҳмад Ҳамдамов. — Шу билан бирга ҳафталиклар ўқувчиларни ўз устларида мустақил ишлашга, тадбирлар жараёнида фаол бўлишга ундамоқда. Келгусида ҳафталикларни ўзаро мусобақа тарзида ўтказишга, самарадорликни янада оширишга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, мактаб-интернатда ўтказилаётган шундай тадбирлар ўқувчиларнинг дарсларни яхши ўзлаштиришларига, бўш вақтларидан самарали фойдаланишларига имконияти яратмоқда. Тадбирларни ўтказишни ўқувчиларнинг ўзларига ишониб топшириш, уларга ишонч билдириш эса ўқувчиларда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

О.СИДДИҚОВ



Юртбошимизнинг 2004 йили “Меҳр-мурувват йили деб эълон қилишимиздан мақсадимиз — одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир”, деган таъкидларида пурҳикмат маъно бор.


Хўш, тил таълимида меҳр-мурувват мавзуси қандай талқин этилган? Ёки меҳр-мурувват тушунчаси ўқувчиларга қандай, қай восита орқали сингдирилади?

Маълумки, меҳр-муҳаббат, оқибат негизда инсоннинг қадрига етиш, ҳол сўраш, оғирини енгил қилиш, хайр-саховат кўрсатиш, саҳий бўлиш каби фазилатлар мужассам. Бундай инсоний фазилатларни ўқувчилар қалбига сингдиришда она тили ва адабиёт таълимининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Инсонни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда бу фанлар энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки тилимиздаги сўзлар қудрати ёрдамида ўқувчиларда ана шундай гўзал инсоний фазилатларни камол топтириш мумкин.

Меҳр-мурувват тушунчаси, унинг ўзига хос қирралари ўқувчиларга босқичма-босқич сингдирилиб борилади. Буларни 5-, 7-, 8-синф дарсликлари мисолида кўриб чиқамиз.

## ТИЛ ТАЪЛИМИДА

5-синф “Она тили” дарслигида “Унли ва ундош товушлар” мавзуси берилган. Бу мавзуларни ўқувчиларга тушунтиришда сўз уйинларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда синф ўқувчилари гуруҳларга булинади: биринчи гуруҳ — “Комиллик”, иккинчи гуруҳ — “Инсонпарвар”, учинчи гуруҳ — “Адолат” деб номланади. “Комиллик” гуруҳига нуқталар ўрнига керакли ҳарфлар қўйилса, меҳр-мурувватли, оқибатли инсонларга хос фазилатлар келиб чиқиши айтилади.



“Инсонпарвар” гуруҳига қуйидаги сўзлардаги товушлар ўрнини алмаштириш билан гўзал инсоний фазилатларни ифодаловчи сўзларни ҳосил қилиш топшириғи берилади:

Дон-билим (билимдон).

Хур-там (хурмат).

Дуст-меҳмон (меҳмондуст).

“Адолат” гуруҳи эса “Она табиат — волидамиз” расм кўргазмасидаги рамзий балиқ, ниначи, чумоли, асалари каби жониворларда саволлар ёзилган тарқатмаларни олиб, топшириқларга жавоб беради:

1. Кишилар қалбига эзгулик нурини сочадиган инсонларни халқимиз суюб чароғбон деб атайди.

Ушбу гапдаги фақат унли товушларни белгиланг.

2. Жаҳонда икки ишни сен унуттил:

Бири — қилсанг кишига яхшиликни,

Унуттил, сузлама ҳеч қилганингни.

Иккинчиси — ким ёмонлик қилса, эй ёр,

Унуттил, сақлама кунглингда зинҳор.

Ушбу шеърий мисралардаги жарангли ундошларни белгиланг.

3. Эй, фарзанд, ақли бул, ҳунарсиз кишида хосият булмайди. Меҳнатдан, илму ҳунар урганишдан узок-

лашма, эй фарзанд, ақли, фаросатли ва илму ҳунарли кишилар билан дустлаш. (“Қобуснома”дан).

Юқорида берилган гапдаги жарангсиз ундошларни белгиланг.

Дарсдан кутилган асосий мақсад ўқувчиларни комиллик сари бошлаш, она табиатга мурувват руҳида тарбиялашдан иборатдир.

\*\*\*

7-синф “Она тили дарслиги”даги “Ўғдулмиш ва Ўзғурмиш” (39-бет)

## МЕҲР-МУРУВВАТ

матнида миллатимизнинг одоб-ахлоқ, эзгулик ва меҳнатсеварлик қарашлари уз ифодасини топган.

Дастлаб ўқувчилар “Донолар”, “Зийрақлар”, “Зукколар” гуруҳларига булинадилар. Сунгра дарсликда берилган “Ўғдулмиш ва Ўзғурмиш” матнини синчиклаб ўқиб, таҳлил қилишга киришадилар. Матндан ажратиб кўрсатилган ёрдамчи сўзларнинг маъно ва вазифаларини изоҳлайдилар.

Иккинчи босқичда матн қисмларга булиниб, узлаштирилади. “Донолар” гуруҳи матннинг умумий мазмунини сақлаган ҳолда шаклий ифодасини узгартиради. Масалан: “Юсуф Хос Ҳожибнинг “Бахтга элтувчи билим” асари узининг фалсафийлиги ва ахлоқийлиги билан Дантенинг “Илохий комедия”си ҳамда Гётенинг “Фауст” каби жаҳонда машҳур булган асарларидан ҳеч ҳам қолишмайди. Биз ҳам бу дурдонамизни дунёга кўз-кўз қилсак ёки унинг нодир асар эканлигини ҳар қанча мадҳ этсак, арзийди. Бу асар ўзбек халқининг маданияти-ю, адабиётини, исломий қарашлардан тортиб, ахлоқий тарбиясигача уз ичига қамрайди. Шунинг учун ҳам бу ҳазина минг йиллар аввал ёзилган булса-да, миллий ва маданий меросимизга айланиб булган”.

“Зийрақлар” гуруҳига Ўғдулмиш ва Ўзғурмиш тимсолларининг фазилатларини ёритиш, хулосалаш топширилади: Ўғдулмиш — ақли, доно, мақтовга лойиқ, оддий мусулмон йигит, заковат, савобли ишлар билан шугулланадиган, мурувватли, саховатпеша, ҳурматли, билимга чанқоқ киши...

Ўзғурмиш — тушунган, тақводор, касбга эга эмас, зоҳид, ибодат билан банд, дунёвий ишларга бефарқ, нарзи тук киши.

Шунинг учун.. ..

1. Одамлар унинг кетидан эргашади.

2. У одамлардан йироқда яшайди.

“Зукколар” гуруҳи боғловчилардан фойдаланиб, асар қаҳрамонлари ҳақидаги фикрларини ёзма баён қилишади:

“Ўғдулмиш ва Ўзғурмиш мусулмонликнинг икки йулидан боришди. Ўғдулмиш одамлар орасида яшаб, уларнинг оғирини енгил қилишни, машаққатли йўлни танлади. Ва шу билан бирга тоат-у ибодатни қанда қилмай, нафсини тийишнинг уддасидан чиқди. Ўзғурмиш эса гуноҳларининг олдини олиш мақсадида узлатга чекинди-ю, бир умр горда яшайди. Ёлғизлик ва тоат-ибодат ҳам нафсни тияди, ҳам Оллоҳга етиштиради, деб уйлади.

Аслида мусулмонлик нафақат руза тутиш-у, намоз ўқиш, балки одамларга яхшилик қилиш билан бирга мамлакатни обод қилиш ҳамдир”.

Гуруҳлар уз матнларидаги боғловчиларга изоҳ берадилар.

\*\*\*

“Истиқлол бизга нима берди?” мавзусида кичик маъруза матни тай-

## Amaliy mashg'ulotlarda

йўқотиб қуйган одамдек, туриб-туриб эски ҳовлини қумсаб қолади-да, узини қуйгани жой тополмай:

— Ҳой болам, эски маҳалламга бир бориб келсак-чи? — дейди ялиниб.

Бу гап менга ёқмайди:

— Қизиқсиз-а, буви, — дейман, — эски маҳалла қолдими?

Шунда бувим бирдан бушашиб:

— Эшикнинг олдидаги нок турганмикин-а? — дейди ва нима деб жавоб беришимни олдиндан билгани учун гапимни ҳам эшитмай, уйга хомуш кириб кетади.

Бувимга қарайман, кучаётганимизда бошқа нарсалар қолиб, нокка ачинган. Мен-ку, нокни эсласам, юрагим гаш булади. Нок кесилиб кетганми, йўқми, билмайман. Кузим билан қурай десам, эски маҳалламга ҳеч йулим тушмайди.

— Қани, юринг, — дедим.

Шу топда бечора бувимнинг ёш боладек қувониб кетганини бир курсангиз эди...”

Матндаги ажратилган юкламаларнинг вазифасини, уларнинг фақат қушимча маъно ифодаланаётганлиги ёки айни замонда гапларнинг бири-бирига боғланаётганлигини аниқлаш ҳақидаги топшириқ бажарилади.

Бундан ташқари, мавзу янада чуқурроқ таҳлил этилиб, ҳикоядан асосий гоё нима, бу ерда ҳикоя қаҳрамони нима демоқчи, нега буви хомуш, нега боланинг эски маҳалладаги ҳовлига олиб бормоқчилиги ҳақидаги таклифини эшитгач, ёш боладек қувониб кетади, эски ҳовлидаги нок дарахтига бувининг ишқи тушиб қолишининг боиси нима, қабилидаги саволларга изоҳлар дастлаб ўқувчилар томонидан берилади.

Ўқувчилар томонидан ҳикояга “Бувимнинг ташвиши”, “Эски маҳаллага йўл”, “Бувимнинг қувончи”, “Нок мазали эди” каби режалар тузилади. Режа асосида ҳикоя мазмуни қайтадан сузлангач,

ўқитувчи ўқувчиларга яна қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади:

1. Бувимни безовта қилган ташвиш аслида кимнинг ташвиши?

2. Нок дарахти қадрдон. У кимнинг меҳнати маҳсули?

3. Бепарволик, лоқайдлик билан ҳурмат-эйтиборга эришиб буладими? Сиз нима деб уйлайсиз?

4. Сиз орадаги меҳр-муҳаббатни мустаҳкамловчи воситаларни нималардан иборат деб биласиз?

5. Сиз оилангиздаги кексалар ёки катталарга нисбатан кўрсатган меҳр-мурувватингиз ҳақида гапириб бера оласизми?

Хуллас, шунга ухшаш саволлар билан ўқувчиларнинг кузатишлари, эшитганлари, ўқиганлари асосидаги фикр-мулоҳазалари тингланади. “Нок” матнида инсоний меҳр-муҳаббат улугланганлиги ўқитувчи томонидан таъкидланади. “Меҳр-мурувват нима?” мавзусида иншо ёзиш уйга вазифа қилиб берилади.

2004-2005 o'quv yili — maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:**

Юнусали Эгамов — Чуст туманидаги М.Фаёзов номидаги 31-мактабнинг олий тоифали география фани ўқитувчиси, «Халқ таълими аълочилиси», «Энг яхши тўғарак раҳбари» республика сиртки танлови холиби (2003), Халқ таълими вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликларининг фахрий ёрликлари билан мукофотланган, сайёх, сураткаш, қисқаси, кўп нарсани уддалайди.

**ОСОН ИШНИНГ ҚИЗИГИ ЙЎҚ**

— Осон ишни ёмон кўраман. Чунки унинг қизиги йўқ. Кўпчилик (хатто фарзандларим ҳам) менга: «Мунча ўзингизни қийнамасангиз?» деб айтган. Бу гапга парво ҳам қилмайман. Меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Аслини олганда, ўқитувчилик ҳам масъулиятли, машаққатли касб. Демакки, у мен ёқтирмаган осон ишлардан эмас.

Ҳамиша қандайдир фойдали иш билан банд бўлгим келади. Кейин афсусланиб қолишни истамайман ва бунинг учун ҳаракат қиляпман.

**“ТОГЛАРДАН ФАҚАТ ТОГЛАР ГЎЗАЛ”**

— Бу сўзларни Висоцкийнинг шеърларида ўқиган эдим. Шундай деб таржима қилдим.

Табиат бизнинг онамиздай. Шундай экан, фарзанд сифатида ўз бурчимни ўтасам, дейман. Ўқувчиларга ҳам бунинг тушунтириб бергим келади. Ниятим — улар табиатни асрашни ўргансин. Шунинг учун кўп дарсларимни табиат кўйида ўтаман.


Табиатдаги мўъжизалардан бўлган тоғларга меҳрим бўлакча. Тоғларнинг улугворлигига ҳавасим келади. Нуҳ алайҳиссалом сув тўфонидан кейин илк қадамини тоққа қўйганлиги ҳақида ўқиган эдим.

Ҳар йили ёш сайёх ўқувчилар билан биринчи даражали мураккабликдаги тоғ саёҳатида

**ТОГ САЁҲАТИ ЎҚУВЧИНИ ТАРБИЯЛАЙДИМИ?**

— Албатта, атрофни, юртни қанчалик кўп ўргансанг, саёҳат қилсанг, Ватанга меҳринг, она табиатга ҳурматинг ортади. Биз тоғ сўқмоқлари бўйлаб 4-5 кун юриб, муқаддас Кўк Ала кўлига етиб борамиз.

Минг йиллар олдин катта тоғ чақмоқ таъсирида кулаб, Фовасой ирмоқларида бирини тўсган ва кўл ҳосил бўлган. Саёҳат инсонга катта билим беради. Ўқувчиларни фикрлашга, ўз фикрини баён қилишга ўргатади. Ҳар бир сайёх-ўқувчи кундалигига кўрган-кечирганларини ёзиб боради. Хулосалар чиқаради. Улар экспедициялардан кейин кичик илмий ишлар билан шуғулланадилар. Илмий ишлар эса, рефератлар, кундаликлар,



сида сайёхлардан бирининг кўлини захарли илон чақиб олди. Тезда чора кўрдик. Ўша жой сўриб ташланди. Унга суюқликлар берилди. Халқ табо-

**“МУЗЕЙИМИЗГА КЕЛИНГ”**

— Ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, мактабда ўлкашунослик музейи ташкил этдик. 1992 йилда очилган музейимиз кенгайиб, бойиб бормоқда. Ҳозир у ерда 300 га яқин экспонатлар мавжуд. Турли археологик топилмалар, ўсимликларни илмий жамиятимиз аъзолари ва мактабимиз ўқувчилари билан бирга йиғдик.

Музейни бойитиш мақсадида бутун қишлоқни айланиб, уйма-уй юрдик. Тарихий буюмларни кўпгина ҳамқишлоқларимизникидан топдик. Энди уйимда ҳам мўъжазгина музей очил ниятим бор. Унда кундаликларим, шахсий буюмларим, тоғдан топганларим бўлади.

**ЎҚИТУВЧИ ЎҚУВЧИГА ДЎСТ БЎЛСИН**

**ДАМОБОДЛИК ДУЙШЭН**

**Ўқитувчи-сайёх Юнусали Эгамовнинг тоғ саргузаштлари ҳақида эшитганмисиз?**

Ўқитувчи-сайёх Юнусали Эгамовни вилоятда кўпчилик танийди. У ҳақда гап кетганда, “Ҳар йили ўқувчилари билан тоққа саёҳатга чиқадиган домлами?” деб сўрашади.

ҳисобот ва альбомлар тайёрлаш тарзида бўлади.

Саёҳатлар бир қараганда, ўйнаб-кулиш, дам олишга ўхшаса-да, у меҳнат ва машаққатдан иборат. Сайёх сафарда меҳрибон ота-онасидан узоқда бўлиб, ўзи учун ўзи ҳаракат қилади. Биз эса, унинг синовлардан қандай ўтишини кузатамиз. Демак, саёҳат давомида меҳнат кўникмалари ҳосил бўлади.

Саёҳат иродани ҳам мустаҳкамлайди.

Саёҳатимизнинг бирида шундай воқеа рўй берган эди. Тоғ тепасига чиққанамизда ос-

батида айтилганидек, бақа-пўстлоқ кўйиб боғланди...

Қисқаси, саёҳат тиббий тарбия ҳам беради. Бундан ташқари, у ўқувчини табиатни севиш, асраб-авайлашга, асосийси, дўстликка ўргатади.

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:**

сайёхлар жамоаси Республика микёсидаги мусобақаларда қатнашганда, саёҳат давомида ўрганганлари кўл келди. Ўзаро ҳамжиҳатлик ёш сайёхлар танловида жамоанинг фахрли ўринларни эгаллашга замин яратди. Мана, бир неча йилдирки, домланинг шогирдлари вилоятда биринчиликни кўлдан бермай келмоқдалар.

**МАКТАБДАГИ ИЛМИЙ ЖАМИЯТ**

— 1986 йили “Ёш ўлкашунослар ва сайёхлар” тўғарагини ташкил этган эдик. 1993 йили тўғаракни илмий жамиятга айлантирдик. Айни кунларда ушбу илмий жамиятимизнинг Низоми, аъзолар учун кўкрак нишони мавжуд. Унинг маънавият ва маърифат, туризм, ўлкашунослик, экология, миллий қадриятлар ва урф-одатлар каби бўлимлари бор. Илгари Файзирахмон Абдурахмонов номидаги стипендиямиз ҳам фаол ўқувчиларга бериларди. Афсуски, ҳозир моддий қийинчилик туфайли стипендия берилмаяпти. Келгусида уни яна тиклаш ниятимиз бор.

Мактабимизда ҳар йили 27 сентябрь — Халқаро туризм кунини муносабати билан турли тадбирлар ўтказиш аниёнага айланган. Илмий жамиятимиз аъзолари билан бир ой давомида мусобақа ва беллашувлар, семинарлар ташкил этамиз. Ниятимиз эса аниқ — ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтини мазмунли ўтказиш.

Илмий жамият аъзолари фан олимпиадаларида фаол иштирок этишади. Ф.Эргашева, М.Норинова олимпиаданинг республика босқичида фахрли ўринни эгаллаган.

— Мен ўқувчига ишончли, содиқ дўст бўлсам, дейман. Сунясча бўладиган устоз бўлгим келади. Бола нимагаки қизиқса, бизнинг илмий жамиятимиздан топса... Хоҳ қўшиқ айтсин, хоҳ сўзлар ёзсин ё спортга қизиқсин — барча-барчаси учун илмий жамиятимизда ўрин бор.

Ўқувчиларимга жуда кўп айтаман: “Ўзингиздан из қолдиринг”. Рост-да, 11 йил ўқисаю, изи қолмаса... Жамиятимиз яхши из қолдирмоқчи бўлаётган барча ўқувчиларга ёрдам беради.

Ҳали кўрасиз, менинг ўқувчиларимнинг фарзандлари, не-

ўқишга ҳам еттинчи уринишда кирганман. Аламига имтиёзли диплом билан битирдим.

Худо хоҳласа, қиладиган ишларим кўп. Бунинг учун жисмонан бақувват ҳам бўлиш керак. Ҳар кун югураман. Спорт билан шуғулланиб тураман. Насиб қилса, саксон ёшда ҳам югураман.

**ФИДОЙИЛИК ЎҚИТУВЧИГА ЯРАШАДИ**

— Машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим”идаги Дуйшэн образи юргимдан жой олган. Ҳар қадамда, ҳар бир ишда унга ўхшагим келади. Дуйшэннинг фидойилигини жуда қадрлайман. Қанийди, мен ҳам у сингари бўлсам...

Менга: “Нега шаҳарга бориб лицей ёки олий ўқув юртида дарс бермайсиз?” деб кўп айтишади.

Йўқ, мен, аввало, мана шу қишлоқ фарзандларига боримни бериб олай. Кейин бир гап бўлар... Чунки тугилиб ўсган юртим Дамободдан ҳам Дуйшэн сингари фидойи инсонлар чиқшини хоҳлайман.

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:**

Юнусали домлани кўп жиҳатдан Дуйшэнга ўхшатса бўлади. Бунга бир мисол. Яқинда Наманган ВЕСУМ директори Бахтиёр Салоҳидинов домла ҳақида гапириб, шундай деди: “Ю.Эгамов, ҳақиқатан ҳам, фидойи ўқитувчи. Хаттоки, оладиган маошини ҳам кўпинча ўқувчилари учун сарфлайди. Қўлига пул тушса бўлди — саёҳат учун керакли анжомлар ё ўзи ташкил этган илмий жамиятга жиҳозлар олади. “Менинг моддий маблағим кўп бўлганда, Кусто командасидан-да қолишмайдиган ишларни амалга оширардим. Тоғ саргузаштлари ҳақида кўп қисмли фильмлар яратардим”, — деб айтади домланинг ўзи. Фикримча, бу иш домланинг қўлидан келади”.

Замонавий география ўқув хонаси, география майдончаси, ўлкашунослик музейи, илмий кутубхона, география-ўлкашунослик зали ва амалий ишлар лабораторияси — бари домланинг меҳнатлари самарасидир.



варалари келиб, ўз ота-оналари, бобо-бувиларининг ўқувчилик даври ҳақида бизнинг илмий жамиятимиздан билиб олишади...

**“САКСОН ЁШДА ҲАМ ЮГУРАМАН!”**

—Тўғриси, ўз ишларимдан ҳеч қачон қониқмаганман.

Домланинг орзулари жуда кўп. Илмий жамиятнинг газетасини нашр қилиш, радиожурнал ташкил этиш, олий ўқув юртилари билан алоқа ўрнатиш, чет эллик сайёхлар билан тажрибалар алмашиш, Ўзбекистондаги барча тоғларга саёҳат қилиш нияти бор. Уйлаймизки, булар орзулигича қолиб кетмайди.

**БИЗНИНГ ХУЛОСА:** Юнусали Эгамов ҳар бир ўқув йилини сарҳисоб қилиб боради. Илмий жамият аъзоларининг матбуотдаги чиқишлари ҳам чакки эмас. Тўғри, муаммолар ҳам бор. Аммо домла бир кун келиб бу муаммолар ўз ечимини топишига, орзулари рўёбга чиқишига ишонади. Ва, албатта, бунинг учун тинмай ҳаракат қилмоқда, изланмоқда. Энг асосийси, домланинг ниятлари эзгу. Умид қиламизки, Юнусали Эгамов кутган кунлар келишига оз, жуда оз қолди...

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН, “Ma'rifat” мухбири**



чиқамиз. Сайёхлик ҳам таълим-тарбиянинг ажралмас қисmidир. Айниқса, тоғ сайёхлиги ўзгача маънога эга.

Тоғлар улкан илм манбаи, энг улуг' ва покиза тарбия масканидир. Шу тоғ саёҳатининг ўзида ҳам ёш авлодга таълим-тарбия берса бўлади. Мен саёҳатда ана шунга алоҳида эътибор қаратаман.

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:**

Ю.Эгамов бошлиқ ёш сайёхлардан ташкил топган жамоа ҳар йили Чотқол, Қурама тоғи этакларида ўн кунлик саёҳатда бўлиб қайтадилар. Ана шу тоғ саёҳатлари ҳақида ўқувчилар иштирокида кичик рисолалар тайёрланади.

монни булут қоплаб, ёмғир остида қолдик. Арчазор ўрмонлар пастда қолган, бирорта пана жой йўқ. Қуюқ туман ичида боряпмиз...

Ҳамма ёғимиз хўл, оёқларимиз лойга ботган. Жуда қийналдик. Ўқувчиларимга қарайман. Ҳеч ким хафа эмас, аксинча, ҳамманинг кайфияти яхши. Кечга яқин кўл бўйига тушиб бориб, гулхан ёқдик. Дам олдик. Ҳамма хурсанд. Кийимларни қуритиб, иссиқ чой ичиб, кўл билан хайрлашдик.

Саёҳатчи гигиена ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиши керак. Энг асосийси, у биринчи тиббий ёрдамни удалаши лозим.

1993 йили Фовасой водий-

# КИЗЛАРИМИЗ АММА АЙТИШНИ БИЛАДИЛАРМИ?

Онанинг қайси тилда алла айтиши аҳамиятсиз. Боиси қалблар туташ, мазмуни ягонадир. Бу кўшиққа меҳр, инсонийлик, улуғлик сингдирилган.

Бугун мактаб парталарида ўтирган жажжи қизлар вақти келиб оила қуришлари, кўша-қўша фарзанд кўришиб, Она деган номга эга бўлишлари, табиий.

Хўш, бу қизчалар қай даражада алла айтишни биладилар?

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактаблари мисолида алла хусусида олиб борилаётган тарбиявий ишлар билан қизиқиб кўрдик.

Умуман, нафосат тарбияси санъатда ва атроф-муҳитда нафисликнинг моҳиятини англаш ва тушуниш, бадийий саводхонлик, санъат асарлари ва ҳаётини ҳодисаларни идрок этиш билан боғлиқ тўғри тасаввурлар, мулоҳазалар ҳамда эътиқодлар туфайли содир бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ўтмиш маданий меросини ўзлаштириш, ҳозирги замон санъатига муносабат, ижодий қобилиятларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш ҳам нафосат тарбияси орқали юз бериши мумкин.

Худди шу хусусда олиб борилаётган ишлар юзасидан Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги А.Икромов номидаги 4-мактаб жамоасидан анча хурсанд бўлдик.

Кувончли томони шундаки, бу ерда синф ўқувчиларининг тарбиявий машғулотларида ҳам «Алла—ҳаёт кўшиғи», «Онам айтган аллалар» мавзулари ўрин олган. Бу машғулотларни мактаб кутубхонасининг мудираси Шойраҳон Тўева олиб борар экан.

Мактабда «Алла—ҳаёт кўшиғи» деб номланган деворий бурчак ҳам ташкил этилган. Мазкур илм масканида ҳар йили «Алла — ҳаёт кўшиғи» деб номланувчи кўрик-танлов ўтказилади. Ва бу танловда қатнашувчи қизларнинг истеъдоди босқичма-босқич ойдинлашиб боради.

— «Алла—ҳаёт кўшиғи» кўрик-танлови мактабимиз миқёсида ўтказилаётган танловлар орасида энг қизиқарли ва нуфузлини ҳисобланади десам, ишонаверинг, — дейди мактаб директори Ҳалимаҳон Жумаева. — Бу танловга қизиқиш катта. Ҳатто бутун маҳалла аҳли жам бўлади. Туман ҳокимлиги, туман ХТБ ҳамда бошқа идора ва ташкилотлардан вакиллар ташриф буюришади. Негаки, бу кўрик-танлов одамларнинг юрагига яқин мавзуда. Ахир, она алласи кимга ёқмайди, дейсиз!...

Ҳа, нима бўлганда ҳам ёшларимиз билан олиб бораётган тарбиявий ишларимиз аниқ бир мақсадга қаратилмоғи керакки, улар келгусида шу азиз Ватанимизга комил инсонлар бўлиб воёга етишсин. Бу борада қадриятларимиз тарбия уйимизнинг устуни бўлмоғи лозим.

Абдували ОБИДДИНОВ, «Ma'rifat» муҳбири

Таълимда ҳам, маънавиятда ҳам маданият йўналишни ўқ илдиз ҳисобланади. Таълим маънавий жиҳатдан таъминланмас экан, талаба-ёшлар ўзлаштираётган ҳар қандай билимда маданиятнинг энг оддий кўринишлари бўлмас экан — унда бундай таълим бирқандам бўлиб қолаверади.

Демак, энг аввало, таълим ва маънавият уйғунлигини таъминлаш ва шу аснода ёшларда нафосат тарбиясини такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш лозим, деб ўйлаймиз.

Бунинг учун ўқувчилар ва талаба-ёшларнинг ўзаро ижодий ҳамкорликдаги фаолиятини шакллантириш зарур бўлади. Нафосат маданияти дастлаб ёшларнинг ҳис-туйғулари, онги, хулқ-атвори ва фаолиятининг ривожланиш даражасини ўз ичига олади. Чунки, айнан нафосат тарбияси бевосита шу тушунчалар таъсири орқали шаклланади.

Умуман, нафосат тарбияси санъатда ва атроф-муҳитда нафисликнинг моҳиятини англаш ва тушуниш, бадийий саводхонлик, санъат асарлари ва ҳаётини ҳодисаларни идрок этиш билан боғлиқ тўғри тасаввурлар, мулоҳазалар ҳамда эътиқодлар туфайли содир бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ўтмиш маданий меросини ўзлаштириш, ҳозирги замон санъатига муносабат, ижодий қобилиятларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш ҳам нафосат тарбияси орқали юз бериши мумкин.

Аслида нафосат маданияти таълим ва маънавият каби икки ҳодисанинг ўзига хослиги, ўзаро уйғунлиги натижасида содир бўлишини эсдан чиқармаслик керак. Масалан, таълим тизими инсоннинг шаклланиши билан боғлиқ вазифаларни бажариш, жамият тараққиёти учун зарур бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Маънавият эса, кўпроқ инсоннинг ўзлитини англаши, унинг руҳий покланиши, йўмон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган йўллар.

Мамлакат Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда давлат консерваторияси янги биносининг очилишида сўзлаган нутқда, мусиқани илоҳий мўъжиза деб атади.

Мусиқанинг инсон фаолиятидаги ўрнига эътибор қаратиб, унинг биринчи навбатда, албатта, акс-садо беришнинг таъкидлади. Шунингдек, мафкуравий мақсадлар йўлида фойдаланиш мумкинлиги хусусида тўхталиб, «баъзан безоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланган», дея фикр билдиради.

Демак, маънавий омиллар инсон маъбудлиги ва унинг ўзини-ўзи намоён этишнинг воситасидир. Хўш, шундай

# НАФОСАТ МАДАНИЯТИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

экан, унда ҳозирги шароитда таълим ва маънавият уйғунлиги масаласининг умумий ҳолати нимадан иборат? Умуман, бундай уйғунлик зарурми? Албатта, зарур.

Ижтимоий билимлар инсон маънавий дунёсига пойдевор бўлгани каби, маънавий дунёқароши кучли шахсга ижтимоий фаол фуқарога айланиши мумкин. Яъни, демократик жамият суст фаолият кўрсатадиганлар билан қуримайди. Ижтимоий фаолият, кучли сиёсий маданият туфайлигина фуқаролик жамиятини барпо этиши мумкин.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Болтиққўйи давлатларидаги мактабларда ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқиши сусайганини аниқланган. Шундай шароитда қизиқ тадқиқот ўтказилади: мусиқа, расм предметларининг соатлари кўпайтирилади. Натижада болаларнинг математикани ўзлаштириш даражаси, уни ўрганишга бўлган қизиқиши жиддий равишда ортади.

Батыан, талаба-ёшларда бизга ижтимоий-гуманитар, анъанавий маърифий йўналишдаги предметлар нима учун керак, ахир биз бўлгуси муҳандис, шифокор, агрономлар бўлсак, дейишади. Назаримда, бу жуда катта хато.

Тўғри, бизга юксак талабларга жавоб берадиган, за-

монавий тафаккур даражасига эга ходимлар жуда керак. Аммо, улар биринчи навбатда маънавий пок, мафкуравий пишиқ, иймон-эътиқодли ҳамда ўз Ватани, миллати учун юксак ватанпарварлик туйғуларига эга бўлишлари ҳам лозим.

Мазкур ҳолат билан боғлиқ яна бир нарсаси мавжуд. Гап баркамол авлод тарбиясида замонавий ўқитиш усуллари, компьютер, интернет тизими, масофадан туриб ўқитиш, ахборот олишнинг бошқа усуллари аҳамияти хусусида кетмоқда.

Ҳозирда энг катта танқислик — ахборот танқислигидир. Бунинг даражаси охиб бораверади. Мусиқа эшитиш, кино ва бошқа соҳалар, янги адабиётлардан фойдаланишда интернетнинг ўрнини таъкидлаб ҳеч кимни қойил қолдира олаёмиз. Бу — табиий жараён.

Аммо, таълим соҳасида рўй бераётган бундай ўта жиддий ижобий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, у туфайли содир бўлаётган айрим камчиликлар тўғрисида ҳам фикрлашиш керак, деб ўйлаймиз. Масалан, ҳозир ёшларимизда замонавий ахборот технологияларига сажда қилиш, уларни ҳақдан ортиқ илоҳийлаштириш айрим салбий ҳолатларни юзага келтирмоқда. Шулардан бири — таълим тизимига технократик ёндашувдир. Яъни, талаба-ёшлар компьютер мавзусида болаларнинг математикани ўзлаштириш даражаси, уни ўрганишга бўлган қизиқиши жиддий равишда ортади.

Батыан, талаба-ёшларда бизга ижтимоий-гуманитар, анъанавий маърифий йўналишдаги предметлар нима учун керак, ахир биз бўлгуси муҳандис, шифокор, агрономлар бўлсак, дейишади. Назаримда, бу жуда катта хато.

Тўғри, бизга юксак талабларга жавоб берадиган, за-

кин эмас. Технократик ёндашув — одамда жамоа бўлиб яшаш ҳиссини сўндиради, ўзининг манфаати билан умуминсоний манфаат ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишига олиб келади. Айни пайтда бундай ёндашув шахсда ўз тафаккурида ислоҳ қилиш ҳиссини пайсантиради.

Маънавият эса шахсини, айниқса, ёшларни тафаккур этишига, воқеа-ҳодисаларга ноанъанавий тарзда баҳо беришга ундайди. Бошқача сўз билан айтганда, маънавий омиллар шахсда ўзини-ўзи

англаш, ўзини-ўзи ривожлантиришга рағбат уйғотади.

Бир хил тарзда фикрлайдиган, анъанавий усуллардан ўйлайдиган шахсда фантазия мойиллик бўлмайди. Ахир, яхши шеър, бадий асар ўқисак, бадий, публицистик фильм томоша қилсак, сахна асаридан баҳраманд бўлсак, ўзимиз руҳимизда ўзгариш бўлганини сезамиз-ку. Демак, биз таълим жараёнида маънавий омилларнинг ўрни тобора ортиб бориши ва бу мамлакатда қурилаётган жамият мазмун-моҳиятига мос келишини англаб етишимиз мумкин.

Маълумки, инсонда бири бири тўғрисида гапириш истиқом доимо кучли бўлади. Лекин, бир-бири билан мулоқот қилиш, баҳсга киришиш лаёқати ҳаммада ҳам бўлавермайди. Нима учун? Чунки, бир-бири билан гаплашиш, баҳсга киришиш учун шахсда, айниқса, ёшларда билимнинг у ёки бу соҳаси бўйича маълум пойдевор бўлиши керак. Ҳозирда айрим талаба-ёшларда мулоқот ва баҳс маданиятининг етишмаслиги ҳам шундан.

Замонавий талаба, ҳушқўш қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳар биримизда ўзига хос тарзда жавоб бордек. Талаба ақли, фикрловчи, эси, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилувчи бўлиши керак.

Буларнинг бари тўғри. Аммо, олдига ностандарт савол-масала қўйиш қобилиятига ва унга мос равишда ностандарт жавоб бериш лаёқатига эга бўлиш лозим. Ностандартлик — эркин фикр асосида юз беради. Унинг натижасида янгилик юзага келади.

Бадий асар, маданият, санъатнинг у ёки бу тури бўйича барчада бир хил ҳулоса бўлиши мумкин эмас. Аммо, собиқ совет мустабид тузуми даврида шундай бўлди. Бир хил фикрловчи, бир хил мулоҳаза юритувчи, бир хил ҳаракат қилувчи, бир хил

натижага эришишга интилувчи — буларнинг бариси ўша давр иллати. Қолаверса, инсон ҳаётини фақат тирикчилик ташвишию қорин гами белгиламайди. Инсон учун моддий эҳтиёждан кўра кўпроқ тафаккурни қамраган, руҳиятини банд этган маънавий омиллар муҳимроқ эканлиги аниқ ҳақиқатга айланмоқда. Бундай омиллар ҳар бир фуқаро, ёш талабалар юрагини тўлқинлантиради, уларда маданият, санъатдан завқ олиш ҳиссини уйғотади. Бундай ҳис, пировард натижада инсон фаолиятида амалий ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Бадий асар одамга ҳар хил таъсир қилади. Демак, ҳар бир одам ундан ўз маънавий салоҳиятига яраша ҳулоса чиқаради, «янгилик» яратади. Масалан Леонардо да Винчининг Мона Лиза портрети бўйича 2 та опера, 18 китоб, 6 трагедия, 8 кинофильм яратилган. «Гамлет» тўғрисида 15 минг илмий тадқиқот олиб берилган. Рафаэлнинг «Сикстинлик Мадонна»си бўйича 40 минг асар яратилган.

Хўш, бу нимадан далолат бераётми? Тафаккури бор одам, ўзини ислоҳ этишга мойил шахс ноанъанавий тарзда фикрлайди, мулоҳаза этади. Алишер Навоий, Бобур асарлари, Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарлардаги юк-

## Ta'lim va ma'naviyat

сақ маданият даражаси ҳисобланган мақбаралардан бизнинг «топганимиз» ҳам бир-бирига ўхшамайди-ку.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида талаба-ёшлар ўртасида ноанъанавий тарзда фикрлашга ҳалақит қилаётган жиҳатлардан яна бири — ҳозирги ёшларимизнинг айрим ёшларидан диалог-мулоқот қилиш маданиятининг камлигидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида биз асосий

# ЁШЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛИЯТИ

у сиёсий маданиятни юксалтириш эвазига кенгайиб боради

Мустақиллигимиз шарофати билан фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки кенгайиб бормоқда. Бу эса, ижтимоий ҳаётимизнинг демократлашиб бориши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи институтларнинг кенгайиб бориши билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнлар ҳуқуқий давлат вужудга келишининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Ёшларимизда сиёсий маданият ривожланиши жараёнининг кечилиши оила, ўқув муассасалари муҳити узвийлиги асосий роль ўйнайди. Бу жараён, менинг назаримда, илк бор оиладан бошланади. Чунки, оила муҳитида ота-онанинг давлат сиёсатида фарқ бўлмаслиги фарзандини ҳам берафқ қолдирмаслиги табиий. Фараз қилинг, ўзбек оиласида ота-она телевизор ёки радиоэшиттириш орқали давлат ҳокимияти ёки давлат сиёсатида доир янгиликлардан хабар топади. Шунда фарзанд ҳам улар билган янгиликларни билишга интилади ва

## Fikr

шу орқали сиёсат оламига киришдаги илк босқичга қадам қўyadi. Бу бевосита оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ. Бунда ахборот ёки хабарларнинг аниқ, ҳолис ва тўлиқ етказилиши муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, жамиятимизнинг асосий негизи бўлмиш маҳалла-қўйларда сиёсий арбоблар билан ўтказиб туриладиган турли учрашувлар, йиғилишлар ҳам ёшлар сиёсий маданиятининг ривожига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Қолаверса, талабалар ўқиш давомида қатор давлат сиёсий арбоблари билан учрашишга мумкин бўладилар ва суҳбат давомида ўзларни қизиқтирган саволларга жавоб олиб, ўз сиёсий маданиятини оз бўлса-да, ўстиришга мумкин бўладилар. Хусусан, мен таҳсил олаётган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидеги ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш борасида кенг қўламдаги ишлар олиб борилапти. Мисол учун, ҳафтанинг ҳар chorанба кунда сиёсий доиралардаги етуқ мутахассислар ва сиёсий арбоблар билан учрашув ташкил этилади. Бу эса, ҳар бир университет талабаси учун ўзига хос сиёсий озуқа бўлади. «Ёш лидерлар» клуби Халқаро муносабатлар факультетининг «Психология ва социология» кафедраси ҳузурда ташкил этилган. Клубнинг вазифалари доирасига клубда ёш ва ташаббускор ташкилотчиларга, лидерларга бошқарув, сиёсат, раҳбарлик, ташкилий фаолият масалалари бўйича коммуникация, алоқа ва бирлашиб ҳаракат қилиш учун имкон яратиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятини оширишга кўмаклашиш кабилар кирди. Клуб мажлислари ҳар ойда бир марта бўлиб ўтади. Клуб мажлисида турли соҳада фаолият кўрсатувчи лидерлар ва ташкилий бошқарувчилар, шунингдек, турли хил билим соҳаларининг эксперт ва мутахассислари таклиф этилади.

Буларнинг барчаси ёшлар онгига сиёсий иммунитетнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ёшларимизда сиёсий маданиятни ўз вақтида шакллантирсак, юртимизга ёхуд келажакимизга таъдиқ солиб турган хавф ҳатарларни, тўхтук ҳовларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз енгиб ўтамиз, деб ўйлайман.

Отабек ФАЙЗИЕВ

# «А» ВА «Б» ЛАР «ЖАНГ»И

ҚАЧОН НИХОЯСИГА ЕТАДИ?

олинади, шунинг учун ҳам бу синфда аълочилар кўп бўлади», дейишди.

Лекин асосий гап бунда эмас. Мен мактаблардаги «А» ва «Б» синф ўқувчилари ўртасидаги «жанг»лар ҳақида тўхталмоқчи эдим.

«А» билан «Б» «жанги» бугунги кунгача давом этмоқда. Қизиқ, бу «жанг»нинг шеърини «шиор»лари ҳам Икки синф ўқувчилари сўзлар орқали бир-бирига «лэй чаплайдилар».

Тан оламан, ўқувчилик пайтларимда ўзим ҳам бундай «жанг»ларда иштирок этганман. «А» синфда ўқиганим учунми (кейинчалик лицейда «Б» синфда ўқиганман), тиллим узунроқ эди. Чунки ўша дамда ҳам «А» синфнинг ўқувчиларига нисбатан муносабат яхши эди. Ўзимча

фурдурланиб кўярдим: «А» синфда ўқийман, десам бўлди — ҳамма мени аълочи деб ўйлайди».

Тўғриси айтиш керак, у дамлари «Б» синфдаги ўқувчилар биздан кўра яхшироқ ўқинарди. «А» синфдагилар ҳар доим ҳам «Б» дагиларга нисбатан яхши ўқимаслигига бир далил эди бу.

Ажаб, ҳар кунги жанжаллар (албатта, «А» ва «Б» синф ўқувчилари ўртасидаги)дан нарчамаган эканмиз. Энг ачинарлиси, ўша пайтда ўқитувчиларимиз бунинг яхши эмаслигини айтиб, танбёҳ беришганини эслай олмаман.

У кунлар ортада қолди. Бугун эса болаликдаги ёмон қилиқларимиздан уялиб турибмиз. Биз-ку, буни тушуниб етдик. Аммо ҳозирги ўқувчилар-чи?

Афсуски, бу «одат» ҳалигача сақланиб қолибди. «Бугун «А» синфдагилар билан роса уришдик», деб қолди бир кун кичик укам. Сабабини сўрадим. «Ўларидан ўтди. «Б» синфда қоқоқлар ўқишади, деб бизни мазақ қилишди», ўзини оқламакчи бўлди у.

Демак, «А» билан «Б» ўртасидаги «жанг» ҳалигача давом этмоқда. Хўш, у қачон ниҳоюсига етади? Ўйлашмича, бу борада синф раҳбарлари ўқувчиларга бундай фойдасиз «жанг»нинг зарарлари ҳақида тушунча беришлари керак. Албатта, ота-оналар ҳам бундан четда туришлари керак эмас. Фарзандларини жанжал қилишга эмас, билим олишга ундаган ота-она ютқазмайди.

Эҳтимол, бу мавзу қаламга олишга у қадар арзимас. Аммо ҳамма катта муаммолар кичигидан бошланишини унутмаслик керак. Таълим-тарбияда хатонинг катта-кичиги бўлмайди. Шундай экан, ёш авлодни ҳар бир халодан асраб қолайлик. Сизнинг бу ҳақдаги фикрларингиз ҳам ким учундир фойда беришини унутманг, азиз газетхон.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 293-сонли, 2004 йил 5 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 372-сонли қарорлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан (кейинги ўринларда – педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси) ўтказиш тартибини белгилайди.

Раҳбар кадрлар аттестацияси уларнинг "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастури асосида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 321-сонли қарори, республикада амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бажарилишини таъминлашдаги фаоллиги, таълим муассасасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар сифати ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини холис баҳолаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўтказилади.

Педагог кадрлар аттестацияси уларнинг касб маҳоратлари ўсишини рағбатлантириш, таълим-тарбияда, янги педагогик технологияларни яратиш ва уларни қўллаш, маънавий-маърифий йўналишлардаги натижаларини холис баҳолаш, эгаллаб турган ёки давоварлик қилаётган тоифа ва лавозимларига мувофиқлигини аниқлаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини сифатини ошириш мақсадида ўтказилади.

#### I. Умумий қоидалар

1. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси 5 йилда бир марта ўтказилади.

2. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — ДТМ) таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — вазирлик) билан биргаликда ишлаб чиқилган жадваллар асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

3. Халқ таълими тизими аттестациядан ўтказилган раҳбар кадрлари таркибига қуйидагилар:

Халқ таълими вазирлигининг, шу жумладан болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари;

педагогика институтларининг проректорлари, ўқув ва услубий бўлим раҳбарлари, факультет деканлари ва декан ўринбосарлари, кафедра мудири ва ўринбосарлари;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоги республика ташкилотлари раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси, вилоятлар Халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимлари (кейинги ўринларда - ҳудудий бўлимлар) раҳбарлари, ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори ва проректорлари, кафедра мудири ва ўринбосарлари;

мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари кирди.

4. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоги республика ташкилотлари ва халқ таълими тизими бошқарув органлари мутахассислари мазкур Низомнинг раҳбар кадрлар учун белгиланган тартиб асосида аттестациядан ўтказилади.

5. Халқ таълими тизими педагог кадрлари таркибига профессор-ўқитувчи, ўқитувчи, услубчи, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, спорт инструктори, мусика ва тўғарақ раҳбарлари кирди.

6. Халқ таълими вазирлиги томонидан камида 1 ой олдин аттестациядан ўтувчиларга аттестациясига оид расмий хабар, ҳужжатлар ва дастур юборилади.

#### II. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестациясини ташкил этиш

7. Ўриндошлик бўйича ишлаётган педагоглар асосий иш жойида аттестациядан ўтказилади.

8. Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий бўлимлар педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси жараёнини ташкил этишга масъул ҳисобланади.

9. Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий бўлимлар ва таълим муассасалари раҳбарлари аттестациядан ўтувчиларни аттестация тартиб ва қоидалари билан таништирилади, аттестациядан ўтувчилар рўйхатини тузади ҳамда тегишли буйруқларини қабул қилади.

10. Аттестациядан ўтувчи раҳбарлар таълими бошқарув органига; педагоглар таълим муассасаси раҳбариятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

маълумотнома-сўровнома;  
маълумоти, тоифаси, илмий даража ва унвон ҳақидаги ҳужжатлар, малака оширганлик ҳақидаги гувоҳнома, қайта тайёрлаш муассасаларида олган мутахассислиги ҳақидаги гувоҳнома нусхалари (мавжуд бўлса);  
сўнги 5 йилда нашр этилган илмий, ўқув-у-

лубий ишлари, ихтиролари ва мақолалари рўйхати (мавжуд бўлса);

аттестациядан ўтувчининг охириги 5 йилдаги ўқув, услубий, илмий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича олиб борган ишлари ҳисоботи;

таълим муассасасини ривожлантириш борасидаги ишлари ва келгусидаги режалари ҳақида қисқача маълумот (раҳбарлар учун).

Комиссияга тақдим этилган раҳбарлар тўғрисидаги ҳужжатлар таълимни бошқарув органи раҳбарияти (педагогика институтларида ректор), педагоглар тўғрисидаги ҳужжатлар таълим муассасаси (ёки бўлим) раҳбарлари томонидан имзоланади. Ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигига имзо қўйган шахс масъул ҳисобланади.

11. Ишга меҳнат шартномаси асосида янги қабул қилинган раҳбарлар ва педагоглар камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади. Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аттестациядан ўтказилмайди.

12. Педагог кадрлар таянч маълумоти ёки қайта тайёрлаш муассасаларида олган мутахассислиги бўйича аттестациядан ўтади.

13. Таълим муассасаларида фаолият кўрсатётган хорижий давлат фуқаролари аттестацияга жалб қилинмайди.

#### III. Аттестация комиссияларининг таркиби

14. Халқ таълими тизими бошқарув органлари раҳбар кадрларини аттестация қилиш комиссиялари таркиби Халқ таълими вазирлиги ва ДТМ ходимларидан иборат бўлиб, вазирлик буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия раиси — вазирлик раҳбарларидан, комиссия раиси ўринбосари ДТМ раҳбарларидан тайинланади.

15. Республика бўйсунувида бўлган умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, махсус мактаб (мактаб-интернат), меҳрибонлик уйлари педагог кадрларини аттес-

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари аттестацияси ҳақида НИЗОМ

тациядан ўтказиш комиссиялари таркиби Халқ таълими вазирлиги вакиллари, таълим муассасаси раҳбарларидан иборат бўлиб, вазирлик томонидан ДТМ билан келишилган ҳолда тузилади. Комиссия раиси вазирлик ходимларидан тайинланади.

16. Халқ таълими тизими таълим муассасалари раҳбар кадрлари ва педагогика институтларининг профессор-ўқитувчиларини аттестация қилиш комиссиялари таркиби Халқ таълими вазирлиги ва ДТМ ходимларидан иборат бўлиб, ДТМ буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия раиси — ДТМ ходимларидан, комиссия раиси ўринбосари — вазирлик ходимларидан тайинланади.

17. Ҳудудий бўлимлар бўйсунувида бўлган умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, махсус мактаб (мактаб-интернат), меҳрибонлик уйлари педагог кадрлари аттестациясини ташкил этиш мақсадида вилоятлар ДТМ ходими (комиссия раиси), Ҳудудий бўлимлар вакиллари билан иборат мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар ДТМ томонидан вазирлик билан келишилган ҳолда тузилади.

18. Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар томонидан ҳар бир туман (шаҳар)ларда педагог кадрлар аттестацияси комиссияси тузилади.

Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар ДТМ ва вазирлик билан келишилган ҳолда аттестация комиссиясининг таркибига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Киритилган ўзгартиришлар ҳақида ДТМ ва вазирликка маълумот берилди.

19. Аттестация комиссиясининг таркиби 7 кишидан иборат бўлади. Комиссия аъзоларининг 5 нафари қатнашганда, унинг фаолияти ваколатли ҳисобланади.

20. Аттестация комиссияларининг фаолият кўрсатиш мuddати Халқ таълими вазирлиги ва ДТМ томонидан биргаликда белгиланади.

#### IV. Аттестацияни ўтказиш тартиби

21. Раҳбар кадрлар аттестацияси қуйидагича ташкил этилади:

раҳбар кадрлар таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, раҳбарлик қобилияти ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан ўтказилади;

раҳбарнинг охириги аттестациядан кейинги даврлардаги ўқув-илмий, маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолияти таълим муассасасининг ривожланиш суръати ҳақидаги аниқ статистик маълумотлар асосида ўрганилади ва таҳлил қилинади;

жамоа ўртасида социологик сўровлар ўтказилади;

касбий ва мансаб вазифаларида белгиланган масалалар бўйича суҳбатдан ўтказилади. Суҳбат жараёнида берилган савол ва жавоблар махсус

**Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2004 йил 26 августдаги 78-сон ва 01-211-сон қарорлари билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 сентябрда 1414-сон билан рўйхатдан ўтказилган.**

(саҳифаланган, боғланган, муҳрланган) журналга қайд этилади.

Раҳбарнинг умумий бали тест, суҳбат натижалари, раҳбар фаолиятини белгилловчи кўрсаткичларга қўйилган балл ҳамда жамоа томонидан берилган баҳолар йиғиндисидан иборат бўлади.

22. Раҳбар кадрлар учун тест саволлари тўплами: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, Меҳнат кодекси ва бошқа таълим соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари, янги педагогик технологиялар, бошқарув санъати оид психологик тестлар, раҳбарлик фаолиятига оид молиявий масалаларни ўз ичига олади.

23. Таълим муассасасини ривожлантириш суръатини белгилловчи кўрсаткичларга битирувчиларнинг билим даражаси, таълим муассасасидаги ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларининг ташкил этилиш даражаси, ўқувчиларнинг халқаро ва республика олимпиадалари, спорт мусобақалари, маънавий-маърифий йўналишлар бўйича кўриқлардаги натижалари, битирувчиларининг ишга (ўқушга) жойлашиши, ўқитувчилар, иқтидорли ва кам таъминланган ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилган ишлар, таълим муассасаси моддий-техник базаси, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик масалалари киритилади.

24. Социологик сўровлар раҳбарнинг ҳулқ-атвори, инсонпарварлиги, жамоани бошқара олиш қобилияти, ташкилотчилиги, ташаббускор-

аттестациядан ўтувчилар рўйхатини тузади, улар ҳақида тегишли буйруғини расмийлаштирилади;

аттестациядан ўтувчиларнинг ҳужжатларини тайёрлайди ва уларнинг тавсифномалар ёзади. Ҳар бир аттестациядан ўтувчи учун алоҳида йиғма жилд тайёрлайди;

аттестациядан ўтувчиларга аттестациянинг тартиб ва қоидаларини тушунириш учун семинарлар ўтказиши ва уларнинг аттестацияга тўлиқ қатнашини таъминлайди;

аттестацияга қатнаша олмайдиганлар рўйхатини тузади ва уларнинг сабабини аниқлайди;

аттестация жараёнини ўтказишга зарур техник воситаларнинг иш ҳолатини текшириб чиқади ва зарур бўлган моддий-техник воситалар билан таъминлайди, тегишли шарт-шароитларни яратди.

#### VI. Аттестация натижалари

32. Аттестация комиссияси педагог ва раҳбар кадрлар тўғрисида тақдим этилган маълумотлар, тест синовлари, социологик сўров ва суҳбат натижалари асосида умумий хулосани қабул қилади.

Умумий хулосалар комиссия аъзоларининг очик овоз бериши йўли билан аниқланади. Овозлар тенг бўлганда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Аттестация комиссиясининг хулосаси бевоқиф аттестациядан кейин эълон қилинади.

33. Комиссия аттестация натижаларига кўра раҳбарга "Эгаллаб турган лавозимига лойиқ", "Эгаллаб турган лавозимига шартли равишда лойиқ", "Эгаллаб турган лавозимига нолайиқ" деган хулосалардан бирини чиқаради.

34. "Эгаллаб турган лавозимига шартли равишда лойиқ" деб эътироф этилган раҳбар кадрлар 6 ойдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

35. Комиссия аттестация натижаларига кўра педагогга "Аттестациядан ўтди", "Аттестациядан шартли ўтди" ва "Аттестациядан ўтмади" деган хулосалардан бирини чиқаради.

36. Таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўлмаган бўлса, аттестацияга қўйилмайди.

Мутахассис тоифага эга педагог "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилганда, шунингдек, таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўлмаган бўлса, тегишли таълим муассасаси раҳбари педагогга ўз мутахассислигига ўтишни ҳамда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига боришни таклиф қилади. Ушбу таклифларга рози бўлмаганда, амалдаги қонунчилик асосида у билан меҳнат шартномаси бекор қилинади.

"Аттестациядан ўтмади" деб топилган педагоглар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсига юборилган педагоглар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

37. Аттестация қилинувчи:

аттестацияга узрли сабаб билан келмаган тақдирда, унинг аттестацияси бошқа мuddатга кўчирилади;

аттестацияга узрли сабабга кўра қатнашмаган педагог ёки раҳбар эса "Аттестация қилинмаган" деб эътироф этилади ва меҳнат қонунчилигига асосан тегишли чоралар кўрилади.

38. Таълим муассасаси раҳбари аттестация комиссиялари хулосалари асосида раҳбар ёки педагог кадрлар учун тегишли буйруқларини қабул қилади.

39. Аттестация комиссиясининг хулоса (баҳо ва тавсия)лари аттестация варақасида қайд этилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Аттестация варақаси ва баённомаларга ўзгартириш киритиш қатъий ман этилади.

Аттестация варақаси ходимнинг шахсий ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

40. Аттестация натижалари бўйича комиссия ҳисобот тайёрлайди, вазирликка ва ДТМга тақдим этади.

41. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестация комиссиясининг хулосаси бўйича шикоят ва эътирозлар билан "Апелляция комиссияси"га мурожаат этишлари мумкин.

#### VII. Апелляцияни ўтказиш тартиби

42. Апелляция комиссияси 3-5 кишидан иборат таркибда ДТМ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бошқармалар ҳузурида тузилади. Комиссия ишида аъзоларининг 3/2 қисми қатнашганда, унинг фаолияти ваколатли ҳисобланади.

Комиссия раиси вазирлик ва Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси ходимларидан тайинланади.

43. Апелляция комиссияси ариза берувчига камида беш кун олдин даъво аризасини кўриб чиқиш ҳақида маълум қилади.

44. Апелляция натижаси очик овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

45. Апелляция комиссиясининг хулосаси баённома билан расмийлаштирилади ва нусхаси ариза берувчига топширилади.

46. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестация комиссиясининг ҳамда "Апелляция комиссияси"нинг хулосаси бўйича юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

#### VIII. Якунловчи қисм

47. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси жараёнидаги низолар амалдаги қонунчилик доирасида ҳал этилади.

Yondashuv

Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши, XX асрнинг ўзбек халқи учун берган энг буюк ва олижаноб неъматидир. Зеро, миллий истиқлол халқимизнинг асрий орзуси ва армони эди. Айни вақтда мамлакатимиз халқлари олдида миллий давлат мустақиллигини сақлаб қолиш, уни сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан янада ривожлантириш, келажаги буюк давлатни барпо қилишдек оғир ва масъулиятли вазифа турибди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун халқимизнинг ижтимоий-сиёсий савиясини оширишимиз, миллий истиқлол гоёсини сингдиришимиз зарур. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Ватан тарихини ўқитишнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки

ши, ёзишга тайёргарлик кўриши керак. Мавзуга тааллуқли материални тўплаши, матн устида ишлаши, илмий-назарий адабиётларни синчиклаб ўқиб чиқиши, мавзуга алоқадор ўринларни қисқа қилиб конспектлаштириши керак.

Талаба ишни ёзишга киришар экан, ўқиган илмий адабиётларида баён қилинган фикрларга муносабатини билдирса, айрим ўринларда мунозарага кириша, унинг илмий қиммати ошади. Мустақил иш ёзиш учун тавсия қилинган адабиётлардан айнан кўчириб олиш ҳам, сўзлар билан фикрни қуруқ, умумий баён қилиш ҳам ишнинг ижобий баҳоланмаслигига сабаб бўлади. Аксинча, талаба адабиётлардан йўлланма олиб, мавзу устида ўзининг мустақил фикр-мулоҳазаларини ифодалаши керак.

ни фан билан қисқача таништириши зарур. Энг аввало, бу масалани амалий машғулот олиб боровчи ўқитувчиларнинг амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Натижада икки-уч ҳафтадан кейин ўқитувчида ҳар бир талабанинг, унинг яшаш шароити, қобилияти, интилувчанлик хусусиятлари ҳақида аниқ тушунча ҳосил бўлади. Аммо ўқитувчи талабалардаги айрим салбий ва ижобий хусусиятларни аниқлабгина қўймасдан, у билан алоҳида суҳбатлар уюштириши зарур.

Ўқитувчи талабага энг муҳими, дарслик ва тарихий адабиётларни чуқур ва диққат билан ҳар бир масала юзасидан мустақил, аниқ фикр юритишга, айрим материал ва адабиётлардаги ноаниқ ва чалкаш фикрларга нисбатан танқидий, мил-

МАЗУМТА  
БАҲУМЛАШТАН ҚУВУН

Ўзбекистон радиосида "Нурота сирлари" номли экологик савол-жавоб ўйини ўз ишини якунлади. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Глобал Экологик Жамғармаси "Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш модели сифатида Нурота-Қизилқум биосфера ҳудудининг яратилиши" номли лойиҳа миқёсидаги "Экологик таълим ва жамият фикрини шакллантириш" қўшма дастури мутахассислари томонидан уюштирилди.

Яратилаётган Нурота-Қизилқум биосфера резервати тўғрисидаги маълумотни савол-жавоб орқали ўрганишга қизиқтириш ҳудуднинг ноёб табиати, бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида саволларга жавоб излашларга туртки бериш эди.

Экологик викторина «Ёшлар» радиоканали орқали ҳар пайшанба кунини рус тили эфиридан Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларига узатилди. Нурота-Қизилқум биосфера резервати лойиҳасининг мутахассислари ва олимлари, яъни ботаник, зоолог ва орнитологлар томонидан саволлар оддийдан мураккабга тамойили билан тузилган эди. Бир ярим ой мобайнида давом этган викторинага мактаб, коллеж ва лицейларнинг юқори синф ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари ўз жавобларини йўлладилар. Ўзининг тўғри жавоблари билан Тошкент давлат иқтисодий университети халқаро муносабатлар факультетининг 4-курс талабаси Илья Лушников ғолиб бўлди. Ўйин ғолиби ўз таассуротлари ҳақида шундай дейди: "Ўзбекистон табиати, бой ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси тўғрисида маълумотга эга эмас эдим. Ўйин саволларини эшитганимдан сўнг қизиқиб қолдим. Ўйин менга ўз билимларимни бойитишга ёрдам берди".

Ўйин давомида иштирокчилар қайси адабиётдан фойдаланганини аниқлаш учун лойиҳа мутахассислари мониторинг ўтказдилар. Натижалар шуни кўрсатдики, атроф-муҳитни сақлашга мўлжаллаб яратилган адабиётлар асосан 2003 йили нашр этилган "Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобининг II том ҳайвонот олами" Интернет тармоғидан, аниқроғи БМТ Тараққиёт Дастури "Атроф-муҳит" дастуридан "Natura", "Работ Малик" Нодавлат нотижорат экологик ташкилотларининг веб-сайтларидан фойдалангани аниқланди. "Ёшлар" радиоканали орқали тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. "Экологик таълим ва жамият фикрини шакллантириш" қўшма дастур координатори Элмира Алейникова Илья Лушниковни жаҳонда алоҳида муҳофазаланадиган тиббий ҳудудларга бағишланган видеокассета билан тақдирлади.

Нурота-Қизилқум биосфера резерватининг яратилиши Ўзбекистон учун аниқлик. У барқарор ривожланишни ва тиббий комплексларни, экотизимларни, маданий бойликларни сақлашга қаратилган. Унинг майдонида қўриқхона, буфер ва барқарор ривожланиш минтақаси (доира) Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳудудларида ташкил қилинади.

Умида УМАРҲУЖАЕВА

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА  
ТАЛАБАНING МУСТАҚИЛ ИШИ

миллий ўзликни англаб етмаган халқ миллий мустақиллик қадрига етмайди, миллат бирлиги, ватанпарварлик ва байналминаллик туйғулари уйғунлашмайди. Шунинг учун Ўзбекистон тарихини болалар боғчалари тарбияланувчиларидан тортиб, олий ўқув юртлари талабаларигача ўргатиш ва ўқитиш масалаларига ҳукумат даражасида, шахсан, Президентимиз Ислам Каримовнинг ўзи катта эътибор билан ғамхўрлик қилмоқда.

Маълумки, олий ўқув юртларида ўқув дастурининг кўп қисмини талабалар мустақил олиб борадиган ишлар ташкил қилади. Мустақил ишлар эса талабаларнинг мустақил фикрлаш малакасини ошириш, илмий иш қилиш кўникмасини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мустақил ишлар хоҳ у семинар, хоҳ коллективум машғулоти, хоҳ курс ва малака ишлари шаклида бўлсин, Ўзбекистон тарихи курсининг айрим мавзуларини чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Айни пайтда талабанинг дастур материалларини қанчалик мустақил ўрганиб, ўзлаштириб бораётганини текшириш воситаси ҳамдир.

Талаба томонидан ўрганиладиган мустақил иш умумий курснинг фақат кичик қисмини, асосий мавзунинг бир бўлимини ташкил қилади. Талабадан ана шу қисмининг ўзини ёритиш талаб қилинади. Мустақил иш ёзишда талаба нималарга эътибор бериши керак? Дастлаб у ўз олдида кўйган вазифани аниқ белгилаб оли-

Айни чоғда манбалардан олинган матн ва бадий парчаларнинг қаердан олинганлиги ўз ўрнида кўрсатиб борилиши ҳам талаб этилади.

Талаба мустақил ишини ёзишга тайёргарлик олиб бориш жараёнида иложи борича раҳбар ўқитувчи билан тез-тез учрашиб, йўл-йўриқ, маслаҳатлар олиб туриши шарт. Талабаларнинг мустақил ишлаш услублари турлича бўлиб, жумладан, унга семинар, коллективум машғулотидаги тайёрланиш, маъруза қилиш учун олинган мавзулар устида ишлаш, курс ва малака ишларини бажариш учун материал тўплаш ва уни режа асосида таҳлил қилиш, илмий тўғрақларга фаол қатнашиши учун керакли материаллар устида мустақил ишлаши ва ҳоказолар киради. Ўқитувчининг бу ўринда талабанинг ҳар бир мавзунини режа асосида ўқишида, унга дарслик ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиш усули ва қоидаларини кўрсатиши, берилган саволларга аниқ жавоб бериш йўл-йўриқларини ўргатиши, умуман, олий ўқув юртида ўқиш қоидаларини тушунтириши лозим.

Талабанинг қайси мутахассисликни танлаган бўлишидан қатъи назар, унга ўқитувчи ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги турли масалаларни қандай қилиб, аниқ ва чуқур англаб олиши мумкинлиги ҳақида чуқур тушунча бериши керак. Ўқитувчи ўқиш бошланиши билан, биринчи ҳафтадан бошлабқ талабалар-

лий истиқлол гоёси нуқтаи назаридан англаш услубиятини ўргатиши шарт.

Дарҳақиқат, талабаларнинг мустақил ўқишлари, ишлаши даврида унинг эътиборини ҳар бир мавзу учун мавжуд, зарур материаллар, ҳужжатлар, тарихий-адабий асарлар, юридик тўплам ёки диний асарлар, қадимий ёзувлардан қатъи назар, ундаги муаллифларни ёритаётган масалаларини аниқлай ола билишга, тарихий даврдаги воқеа устида мустақил фикр юритишга жиддий эътибор беришга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, тарих дарсларида талабаларнинг мустақил ишларини, тарихий воқеалар устидаги фикрлаш қобилиятини уйғотишнинг яна бир муҳим тадбири чораси, уларни изчил равишда назорат қилишдир. Шу мақсад учун талабаларнинг айрим гуруҳлари билан алоҳида суҳбатлар, консултациялар уюштириб, уларнинг ҳар бири билан назарий асарлар устида қандай ишлаш ва энг муҳими, ҳар бир тарихий давр учун улардан фойдаланиш йўл-йўриқларига қанчалик ёндашганларини аниқлаш, йўл қўйган камчиликларни ўз вақтида атрофлича тушунтириб бериш зарур.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,  
Андижон муҳандислик-иқтисодий институтининг  
«Ўзбекистон тарихи ва фалсафа»  
кафедраси катта ўқитувчиси

БОЛАЛАРНИНГ  
ОТАЖОН ШОИРИ

Ўзбек болалар адабиётини ажойиб бир боғ ёки чаманзорга ўхшатаман. Чиндан ҳам боғу чаманзор ранг-баранг гуллари, ширин-шарбат мевалари билан баҳоланади. Уша гуллар, мевалар боғбонлар меҳридан етилади. Улардан баҳраманд бўлганлар, энг аввало, боғбонга таҳсин ўқийдилар.

Болаларимизнинг сеvimли шоири Қуддус Мухаммадий шеърятимизнинг моҳир боғбонларидан эди. Шоир ҳаёт бўлганида тўқсон беш ёшга кириб, шеърят боғининг тўрида ўтирган бўларди. Қуддус Мухаммадий умрининг охиригача баракали ижод қилиб яшади. У ўз шеърлари ҳақида:

**Буюк меҳнат мадҳидай жаранлаган,  
Катта-кичик баб-баробар тенг**

англаган.

**Сўз нафасим бўлинг куёш нуридай,  
Мисраларим кулинг кўнглим гулидай,** — деб ёзган эди.

Шоир умри бўйи болалар орасида бўлиб, соатлаб даврада ёддан шеър ўқирди. Аслини олганда, болаларга ёзиш қийин. Зеро, болаларни алдаб бўлмайди.

**Дунёнинг энг чиройли  
Гулларидир болалар,  
Болалар деб курашар  
Барча ота-оналар.**

Шоир бола сўзини болдан олинган, деб юрарди доимо. Шунинг учун ҳам болаларга яйраб, сайраб ёзаман, дерди. У нима

тўғрисида асар яратмасин, нима ҳақида гапирмасин, доим ўша нарсадан инсон ҳаёти нуқтаи назаридан маъно топади. Бу маъно ҳам оддийгина бир маъно эмас, балки болаларнинг ҳаётдан оладиган биринчи таассуротларини изоҳлайдиган, унинг дунёқарашининг шаклланишига хизмат қиладиган маъно.

Қуддус Мухаммадий доим болалар савиясини, уларнинг тафаккур даражасини мўлжаллаб сўз танлаб, қофия яратарди, вазни белгиларди. У Ватан ҳақида ҳам қанчадан-қанча шеърлар ёзган. Бироқ Қуддус Мухаммадий яратган бундай мавзудаги шеърлар маънода лўндалиги, тушунарлилиги, поэтик соҳдалиги билан ажралиб туради.

**Балиқ тирик сув билан,  
Гийёҳ яшнар нур билан,  
Денгиз равшан дур билан,  
Инсон эркин у билан.**

Xotira

Шу хилда давом қиладиган «Жонажон Ватаним» деб аталган бу шеър ҳамма ҳам ёза бериши мумкин бўлган сўзлар йиғиндисига ўхшаб кўринади. Бироқ шу хилда тушунарли, шу хилда оҳангдор, шу хилда маънодор бўлиши учун шеър шоир юрагидан қайнаб чиқиши керак.

Маърифий аҳамиятга эга бўлиш болалар адабиётининг ўзига хос хислатларидан бири. Болалар адабиётининг бу хислати ҳам унинг ўқувчиларининг синчковлиги, ҳаётдаги ҳамма предмет ва ҳодисалар синрини тез билишга интилувчи ҳодиса боғлиқ. Бу вазифани амалга оширишда адабиётнинг ҳаёт воқелигига ўзига хос ёндашиш йўллари бор.

Катталар ўртасида «Дунёда энг билимдон одамлар — болалар», — деган гап бор. Чиндан ҳам улар нималарни билишни ис-тамайдилар? Эрталаб қарасангиз космонавт, тушда кема капитани, кечкурун эса

сайёҳ бўлишни орзу қилиб, турли қомусларни титкилашга киришадилар. Ким бўлишни орзу қилманг, олдин яхши ўқиш керак, дейди шоир.

**Бўлай десанг боғбон,  
Ё Ватанга посбон.  
Ё осмонда учувчи,  
Ё денгизда сузувчи.  
Нимани қилсанг тилак,  
Барига ўқиш керак.**

Шундай одамлар борки, болалар жамоасини севадилар ва ўз ҳикоялари, суҳбатлари билан уларнинг қалбига йўл топадилар, ҳатто ўйинларига қўшилиб, эл бўлиб кетадилар. Болалар ҳам бундай одамларни хурсандчилик билан ўртага оладилар, сўзларини диққат билан тинглайдилар ва дўстларига ишонганлари сингари очик кўнгиллик билан муомала қиладилар.

Худди шунга ўхшаш ўзбек болалар адабиётининг атоқли вакили Қуддус Мухаммадий ижоди болаларимиз қалбига замонамизнинг қайноқ нафасини олиб кирди, халқимизнинг меҳнатдаги матонатини, жасоратини кичкинтойларнинг ширин тили билан сўзлади. Шоирнинг ўзига бўлган талабчанлиги, кўнгил билан ўқиши, ўрганиши уни ўзбек адабиётининг йирик вакили сифатида танитди.

Нодира ЙЎЛДОШЕВА

(Давоми. Боши газетанинг  
ўтган сонларида.)**ОХИРИ**

Домла сомсани "шу ерда ей-миз", деб туриб олдилар. Мен: "Қорним тўқ. Сомсани, умуман, кам истъомол қиламан", деганимдан кейин Маҳмуд Саъдинов домлани енгди: "Уйда иссиқ чой билан, а? Ёшлик қилманг, шогирдим". Турсунбой ҳам Маҳмудни қувватлади, лекин ўзича: "Одамлар қайтапти. Айб бўлар. Ушоқ тўқилади..."

— Хўп, майли. Энди, Шукурвой, сенга битта саволим бор эди, — дедилар Матёкуб ака қўлларини пальто чўнтагига тираб олиб. — Ҳали эшитдинг, билдинг ҳамки, ман "Ғолиблар" қиссасини кенгайтириб қилган роман ҳақида каттагина мақола ёздим. Уни Иброҳимжон обкетди... Сан бундан беҳабар эдинг. Умуман, ўша роман ҳақидаям орамизда гап бўлмаган эди. Уни фақат Маҳмуд биларди. Мана бугун бошқаларгаям ошкор қилиб қўйдим. Нимагадир сир сақлагим келмай қолди бугун, — деб алланечук мунглиниб, давом этдилар.

— Маҳми-ид, — деб қўйди-да, хўрсиниб олиб давом этди: — Сизлар тадқиқотчининг феълени яхши билмайсизлар. Ҳар қандай асар ҳам танқидчига илхом берса, у асар ҳақида, албатта, нимадир ёзилади. Шароф аканинг асари эса олим учун бир олам материал беради. Бутун бошли бир қиссани романга айлантиришнинг ўзи бўлмайди, йигитлар... Бунинг устига, у одам — кўп ишли одам! Минг битта ташвиши бор. — Домланинг овози кўтарилди бошлади. — Мен бир муддат Марказқўмдаям ишлаганман. Анча-мунча нарсани кузатганман. Мана, метро қурилиши бошланди, Киночилар уйи ҳам қурилади. Бунинг учун ҳукумат бюджетидан маблағ ундиришнинг ўзи бўладими? У киши ҳамма нарсани билади. Яъни, бизнинг қарамлигимизни ҳам...

— Яшанг, домла, — деди Турсунбой яна.

— Шунча ташвиш бошида туриб, хўпми, тагин қиссасидаги камчиликларни кўриб, ўзича тузатиб, уни романга айлантириши... Бунга тан бериш керак. Майли, романи зўр, классик асар эмас. Ҳа... Аммо

лик тортаётган экан. Бунга йўл қўймаймиз", дебтилар экан.

Домла сўнги гапларни айтаётганида, кўзлари ёшовраб кетди. Сўнг бирдан совуққон тус олдики, назаримда, совуққон снайперни кўриб тургандек бўлдим.

— Домла, ҳозир кайфиятингиз қалай? — деб сўраганимни билмай қолдим.

Матёкуб ака дафъатан чехраси очилиб кетиб:

— Яхши, — дедилар. — Энди бошқа ҳаёт бошланади менинг учун. Кўнглим сезиб турибди...

Шу пайт сўхбатимиз адоғига етганини билгандай майдон этагидан машина сигнали эшитилди.

**"Э, ЁЗУВЧИЛИК-Е..."**

Улар кетишгандан кейин (то катта йўлга тушиб, Чорсу томонга бурилгунча кузатиб турувдим) ўзимнинг кенг бир майдонда танҳо қолганимни кўрдим-у, бу ҳол рамзий маъно касб этди, шекилли, кўнглимга ҳаяжон тушиб, бу ерни тезроқ тарк этмоқчи бўлдим: дарвоқе, қаёққа юрай? Уйга-да, уйга!

Қанча иш кутиб ётибди мени... Аммо жилишим билан қандайдир

"мурожаат"лардан қочмаслик керак: акс ҳолда қаҳрамоннинг ҳаракатлари ишончсиз чиқиб қолиши мумкин...

Вей, бунинг нимасини танқид қилади ўша "ёш олим?"

Бирдан бир нима деб сўкиндим-да, жадаллай кетдим.

Чойхона олдидан ҳам ўтдим. Халтақўча. Усти ёпиқ йўлакка кирганимда, чап томондаги эшикча очик эканини кўрдим: йўлни тўсиб-роқ турарди. Якка кифт бўлиб ўтаётди, ичкарига кўзим тушди. Шифтга осилган митти лампочка хира нур сочар, бир йигитча энгашиб, кўмир... кўмир соларди челагига.

— Салом алайкум. Сиз аянинг ўғилларими?

Йигит бурилиб қаради-ю, гапимни ўзича тушундим, қўли билан ҳовличани кўрсатган бўлди. Мен ҳам ниманидир тушунгандек бўлиб, ҳовлига чиқдим.

Иккиланиб, уйчам томонга ўта бошладим ва: "Ойи!" деб чақирдим беихтиёр.

Хуллас калом, оймимиз мени овозра қилмадилар: ўғилларини бир машина кўмир обкелгани чиқариб юбордилар.

**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ**

симкаравотга илк марта чўзилдим. Дастлаб пичирлай-пичирлай, кейин ичимда такрорлай-такрорлай кўзим илинибди экан.

Маҳмуд Саъдиновнинг шовқинидан уйғониб кетдим. Сўнг ийманиб-ишшайиб туриб ўтирдим.

— Зўр-ку, шоир?! Иссиққина... Лампочка олдингизми?

— Оббо!

— Ничево. Бизда бор. Қарзга бериб тураман... Лекин сиз менадан жуда қарздорсиз! — деди кейин дабудрустандан. — Ҳозир тушунасиз... Бу ерда чой ҳам ичасизми?

— Ҳозир.

— Лекин ароқ ичсангиз ҳам арзийдиган янгиликлар бор!

Мен ўрнимдан турган еримда хўрсиниб, курсини унга кўрсатдим-да, ўзим яна каравотга чўқдим.

— Гапиринг. Кўп сирли бўлманг, Маҳмуд.

— Арзийди-да, арзийди!

— Хўп. Ароқ топиб келайми?

— Мен-ку ичмайман. Сиз ичсангиз бўлади...

— Қўймадингиз-да!

# БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

— Қолаверса, мен бу ишга жиддий қарамаган эдим. Шунчаки, бўш вақтимда қўлёзмани ўқирдим. Қисса нусхасига солиштирдим. Заметкалар қилардим... Байрам олдидан зағатовкам тайёр бўлганини сезиб қолдим-да, ёзишга ўтирдим. Битказган чоғимда устоз Маҳмуд бориб қолди уйга. Бу Янги йилниям шу ерда ўтказибди. Табриклагани борган экан, қўлига тутқаздим. Ҳмм, бор гап шу...

— Мен ҳам шарт қўйдим, — деб кулди Маҳмуд Саъдинов, — бугундан бошлаб шогирдлингизни бўйингизга оласиз, дедим.

— Деди-деди, — деб жилмайди домла ва менга юзландилар. — Сен ҳам маъқулламайсани бу ишимни? Умуман, муносабатинг салбийми, ижобийми? Ҳарқалай, ишнинг моҳиятидан боҳабар бўлдинг...

— Йўқ, домла. Моҳиятидан хабарим йўқ, — дедим. — Шунчаки эшитдим ва ҳайрон қолдим.

— Ҳайрон қолишингни билардим, — деди Матёкуб ака дона-дона қилиб. — Шунинг учун Маҳмудга илиндим... Лекин, йигитлар, — дея зимдан бизга бир-бир қараб олдилар, — мен хушомадгўйлик қилганим йўқ. Бу иш менинг қўлимдан келмайди... Мен асарга мумкин қадар ҳечнинг ёндашдим. Ҳа. — Сўнг асабий хўрсиниб, тепаларга қараб олдилар. — Бизда танқидчи билан танқид қилувчининг фарқи бормайдилар. Асл танқидчи — олим у. Холисона фикр юритиши лозим бўлган олим. Танқид қилувчилар — бошқа одамлар, назаримда, уларни ҳасадчи дейиш ҳам мумкин...

— О, койил! — деди Турсунбой. — Ана шундай гаплардан гапиринг-да, домла!

— Раҳмат, — деб қўйди домла. — Так что, мен романи мақтаганим ҳам йўқ.

— Лекин танқидчидан жойларини танқид ҳам қилмагансиз, — деди Маҳмуд шанғиллаб.

Домла энсаси қотгандек:

адабиётга ихлоси, меҳри — буни қадрлаш керак. Бўлмасам, у одамга нима етмайди? Обру бўлса, амал бўлса...

— Жуда тўғри-да?

— Сизлар редакцияларда кечадиган аҳволни яхши билмайсизлар. Шундай ёзувчилар борки, ҳали сиёҳи қуримаган асарини редакцияга олиб бериб ташлайди. Редакторлар асарни учдан бирига қисқартирсаям — рози! Ишқилиб, асари чикса, бас. Ўша чала тўғилган, хомхатала асарини Москвада ҳам чиқаради. Ҳатто мукофотлар ҳам олишади...

— Битта лексия қолган экан-да, аттанг, — деди Маҳмуд Саъдинов. — Хўш, Шукуржон, сиздаям гап борми? Кечирасиз, домла...

Мен унга олайиб қарадим. Домла яна:

— Маҳми-ид, — деб қўйдилар-да, менга боқдилар. — Шукурвой, шунақа гаплар. — Кейин хиёл жилмайдилар. — Шунинг учун домлам "иккинчи тизим занжир"га ўтиб кетипти, деб ўйлама.

— Нима-нима?

— Кейин, уйда тушунтираман сенга...

— Домла, яна бир савол берсам мумкинми? — деб сўрадим ва... ушбу қисса-роман қўлёзмаси қўлларига қандай тушиб қолгани, қачон тушгани ёки муаллифнинг ўзлари домлани чақириб, қўлларига... Саволим тугамасдан домланинг чехрасида бир ёрқин табассум, ҳатто ғурур пайдо бўлди. Ва қандайдир камтарона пафос билан ҳамда сезиларли вазминликда айтиб бердилар.

Ёзувчилар уюшмасининг партком котиби Раҳмат Файзийга берган эканлар роман қўлёзмасини Шароф ака: "Матёкуб Кўшжоновга беринг. Ўқиб кўриб, конкрет фикрини айтсин. Мен ўша танқидчининг дидига ишонаман. Мендан салом айтинг" деб... Ҳатто бундан бир ойча бурун суриштириб: "Бизга сигналлар етди. Матёкуб ёлғиз-

қўрқув ҳисси мени ўраб ола бошлади ва шу сирли парда ортидан кимлардир қўлини бигиз қилиб мени кўрсатаётгандек эди: "Ана, қулоғидан тортиб ёзувчи қилинган йигит..."

Вой, қандай уят! Эртага факультетга қайси юз билан келаман? Тўғри, домла: "Ўзингга ишон", дедилар. "Сен ҳақсан" дедилар ҳам... Аммо бошқалар буни билмайди-ку?

Ҳатто танқидчилар ҳам ҳалиги "баён"нома ёзадиганлар ҳукмига ўтиб кетаёзиди.

Уят бўлди... Шукур Бурҳон буни эшитса: "Ёзувчи бўлганинг шуми?" деб дўрилламасми?

Чатоқ бўлди.

Ана шундай ҳаяжону изтиробга тўла ўй-кечинмалар бағрида боғга яқинлашиб қолдим. Боғнинг иккинчи — юқориги дарвозаси қошида иссиқ сомса сотиларди. Ундан шоша-пиша бир жуфт олдим-у, ичкарига кирдим деганда, "Шарқ юлдузи"ни эслаб қолдим: ахир, ҳали менинг қўлимга тегмади-ку? Ажабо, бировлар унинг сиёҳи қуримасдан бурун қўлга олишади... Журнал-газеталар сотиладиган дўкоча йўлнинг у бетиди эди. Сомсани кўтариб бориш... Шартта боққа кирдим-у, шундоқ биллиардхона биқинига ўтиб, қайноқ сомсаларни лабим-у, милкларим куюб, танаввул қилиб олдим.

Беш минутлардан кейин эса худди шу биллиардхона қаршисидан ўтган, кум тўшалгани учун оёққа лой илашмайдиган йўлқадан кетмоқда эдим. Қўлимда журнал, тегишли бети очик...

Ҳа, домла услубимни мақтаганлар. Оддий тасвирдан маъно чиқади, деганлар. Образ мантиқини асослаш учун қаҳрамоннинг ўтмиши ҳам мурожаат қилади, дебдилар...

Ажаб, мен ўша "мурожаат"ни ёзаётганимда, роса иккиланган эдим: услубга зиддек туюлган эди ўша "чекиниш"... Қара-я, домлага маъқул келган экан. Демак, бунақа

Мен хонанинг полини юва бошлаганимда, кўмир ҳам келди. Чиқиб, шофёрнинг ҳақини тўладим ва оймизнинг меҳрибончилиги сабабини ҳам тезда тушундим: зеро, машина йўлак бошида тўкиб кетган кўмирни ташиб, бояги ҳужрадаги бирон қоп чиқар-чиқмас кўмир устига тўка бошладик: ойининг амри шу бўлди.

Китобларнинг бир қисмини стол тўрига тахлаб қўйгач, бўҳчани очдим-у, силовсин терисига кўзим тушди: дарҳол олиб сийпаладим... Дўстин Исмаилов ўша куни Зовбоши сафаридан қайтгач, Овчилар союзига кириб, кимларнингдир бошини айлантириб, тулки терисини тополмаганидан шу — силовсин терисини обчиқиб келган эди. Ўша — шу: Носир аканинг насибаси.

"Қачон обороай буни?", деб ўйладим-у, тагин "қулоғидан чўзиб" талантили қилинган эсимга тушиб кетди. — Йўқ, улар кулишади... Кулишмаганда ҳам қайси юз билан кираман-е? Тагин Тўхтасин домла учраса, Эркин ака... Носир ака бўлса, шўх одам — кулги қилади: "Қани қулоғинг қанчага чўзилиб қопти?" деб... Бормайман яқин-оранда! Нима бўлса бўлар. Айтмоқчи, ҳали чиқмади-я ўша газета... Кизиқ экан бу танқидчилар, ўзларининг мақоласини корректурада ўқисалар — хўп-хўп. Бировларникиниям ўқишгани қизиқ..."

... Хонам исиб, ўзим бир нави ювиниб бўлганимда кун кечайиб қолган эди.

"Нима қилиш керак? Абдуллажон келдимикан? Хабар олсамми? Ёки Элмурод-Солижонларникига борсамми? Мана, кастрюлда онам қовуриб, ёғига кўмиб ва тўғнатиб берган қовурдоқ бор. Бироз борсам... Йўқ, Усмон акадан хабар оламан..."

Аттанг, Менгзиё билан би-ир гўштга тўйишни ўйловдим-а: насиб этмаган экан..."

Ниҳоят, Гамлет текстини ичимда бир такрорлаб чиқишга аҳд қилдим-у, кўрпача-кўрпам тўшалган

Апил-тапил кийиниб, чиқдим. Ойи ҳовлида экан.

— Чой ичмоқчийдик. Чойхонадан обкелайми? — дедим.

— Вей, куруқ чой бўлса, бас. Ана, кумғон қайнаб турибди, болам.

— Албатта-албатта. Ҳозир...

**АНА ЯНГИЛИК,  
МАНА ЯНГИЛИК**

1.

— ... Ўтириб эдик, телефон жиринглади. Домла трубкани олди. Биз кўпам эйтибор қилмадик. Аммо қарасам, Матёкуб ака нукул эшитяптилар. Жиддий! Охири: "Хўп, ман кутаман. Хўп, тайёр бўлиб тураман", деб дастакни жойига қўйдилар. Сўнг ўйланиб, келиб ўтирдилар-да, бирдан жилмайдилар. Хурсанд. Ўлай агар... "Ҳа, домла? Ким билан гаплашдингиз? Кимни кутасиз... тайёр бўлиб?" — "Шароф ака йўқлабдилар". — "О, табриклаймиз, домла".

2.

— ... Бир маҳал яна телефон жиринглаб қолди. Домла бориб, трубкани кўтардилар. Энди бизнинг қулоқларимиз динг. Қараб турибмиз. Домланинг биринчи гапи шу бўлди: "Э, салом алайкум, Абдулла ака...". Билдик: Абдулла Қаҳҳор телефон қилапти... Биласиз-ку, улар — жуда яқин. Ҳатто сирдош. Одил ака, Пиримқул ака, Озод ака... Булар жуда қалин. Ростини айтсам, ана шулар адабиётимизнинг обрўсини кўтариб турибди. Ҳа. Улар хўп гаплашишди. Ниҳоят, домла: "Ҳа-ҳа, Шукур келган. Боя ўзини кўрдим", дедилар... Эшитяпсизми, Шолохов? Кейин бизга айтиб бердилар. Аб-дул-ла ака қиссангизни ўқиб чиқибдилар. Сизга хат ҳам ёзибдилар. Хат!.. Ҳатто Кибриё опанинг хиянидан бериб юбориптилар. Университетга. Адашиб юрмасин деб... Хўш, сизниям табриклаймиз-да энди! Бу янгилик учун сиз ҳам юзта оласиз энди!

(Давоми бор.)

«БОИНГ—747» ҚУЛАБ ТУШДИ

Канаданинг Галифакс шаҳридаги аэропортга қўниш вақтида «Боинг—747» русумли самолёт ҳалокатга учраган. Галифакс аэропорти мутасаддиларининг айтишича, оғир юк ташувчи самолётнинг экипажи 7 кишидан иборат бўлган. Уларнинг ҳаммаси воқеа жойида ҳалок бўлишган. Самолётнинг бортида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган механик мосламалар ва денгиз озиқ-овқатлари бўлган. CBC News ахборот агентлигининг хабар беришича, самолёт қолдиқлари аэропортнинг қўниш майдончаси бошида ёйилиб ётибди. Полиция ходимларининг айтишича, самолёт қулагач, ёниб кетган. Қутқарув хизмати дарҳол воқеа жойига етиб келиб, ўтти учира



бошлаган. Ҳозирда аэропорт вақтинча ўз ишини тўхтатиб қўйди. Аэропорт маъмурияти экипаж байналминал тарзда тузилган бўлиб, Зимбабве, Жанубий Африка ва Буюк Британия учувчиларидан иборат бўлгани ҳақида ахборот берди.

Гана мамлакатига тегишли бўлган ушбу самолёт 20 йил давомида хизмат қилган ва ҳали қоникарли ҳолатда бўлган. Воқеани ўз кўзи билан кузатган фуқаро Питер Люиснинг айтишича, қўнишга яқинлашиб келаётган самолёт осмонда икки бора портлаган. Режа бўйича ҳаво кемаси Галифаксдан юк ортиб, Испанияга учиб кетиши керак эди.

МУДОФАА ВАЗИРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ


Молдавия президенти Владимир Воронин мамлакат мудофаа вазири, генерал Виктор Гайчукни истеъфого чиқарди. Бу ҳақда ИТАР—ТАСС ахборот агентлиги хабар бермоқда. Мудофаа вазирлигини вақтинча биринчи ўринбосар Тудор Колеснюк бошқариб туради. Бундай қарор Молдавия хавфсизлик кенгаши йиғилишида қабул қилинди. Мамлакат президенти вазирни қаттиқ қоралаб, кўплаб ўғрилиқда ва коррупцияда айблади. Бундан ташқари ҳарбийлар ичида интизом ниҳоятда бўшашиб кетгани, мамлакат истеҳкомларидан қурол-аслаҳа йўқолгани эътироф этилди. Молдавия ҳаво ҳудуди тамомил қаровсиз қолиб кетгани президент тарафдан қаттиқ таъйиққа олинди.



Яқин кунларда прокуратура ушбу ўғрилиқлар устидан жиноий иш қўзғатиб, айбдорларни жазолаш ва коррупцияга алоқадор ҳамма шахсларни аниқлаши керак бўлади.

МАРСГА ЯНГИ МЕҲМОН УЧИРИЛАДИ

АҚШ фазони ўрганиш миллий агентлиги 2005 йилнинг август ойларида Марс сайёрасига янги сунъий Ер йўлдошини учиритишни мўлжаллаб қўйди. Ушбу аппаратнинг бошқалардан фарқи шундаки, унда ўрнатилган телескоплар бошқаларникидан анча кучли ва сезгир. Бу эса, ўз навбатида «қизил сайёра» ҳақида янада кўпроқ ахборотга эга бўлиш имконини беради. «Марс Реконасенс орбитрининг асосий мақсади сифатида, планетанинг энг қўниш учун қулай ва текис майдонларини аниқлаш ва сўнг учириладиган сунъий йўлдошларнинг хавфсиз қўнишини таъминлаш режалаштирилган. Янги мослама Марсда камида тўрт ярим йил хизмат қилади. Бироқ унинг имкониятлари ўн йилга ҳам етади.



АҚШ фазони ўрганиш миллий агентлиги сайёранинг йўллар харитасини тузишда асосий кўмакдош бўлишини таъкидламоқда. Мутахассислар янги аппаратни яратишга ўн йиллар сарфлашди. Дастурнинг умумий нархи эса, 700 млн. долларни ташкил қилди.

БРАЗИЛИЯДА БИНО ҚУЛАБ ТУШДИ

Ўн икки қаватли бино Бразилиянинг Ресиф шаҳрида қулаб тушган. Ҳозирда қутқарувчилар вайроналарни тозалаш ишлари билан банд. Ўт учирувчиларнинг айтишича, инсон жасадлари топилмаган. Чунки воқеа содир бўлишидан бирмунча вақт олдин қандайдир товушлардан гумонсиратган одамлар бинони ташлаб чиқилган. Бир неча муддатдан кейин эса, бахтсиз ҳодиса юз берган.



Ҳозирда мутахассислар бир неча ҳолатларни гумон қилишмоқда. Бироқ фожеага қурилманинг ниҳоятда эскириб, яроқсиз ҳолга келгани ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бино ишчиларининг айтишича, деворда катта-катта ёриқлар пайдо бўлиб қолган эди.

Интернет манбалари асосида Сарвар Сайёв ўғли тайёрлади.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими ва 200-мактаб жамоалари мактабнинг физика фани ўқитувчиси  
**Ўткир ЗОИРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК

Яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига испан тили дастури қайта ишлаб чиқилиб, чоп этилди. Бу замонавий испан тилини ўқитиш дастури университетлар, олий ўқув юртли ва чет тили факультетлари учун амалий-назарий фанлар қўлланмаси бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда муаллифлар гуруҳи томонидан 40000 сўзлик испанча—ўзбекча илк луғат тайёрланиб, 2005 йилда чоп этиш мўлжалланмоқда.

Луғатнинг характерли хусусиятларидан бири, лексик материални тўплашда муаллифлар нафақат XIX—XX асрлар Испания ва Латин Америкаси адабиётини ўзбек ўқувчилари томонидан тушунишни, балки матбуот, радио, телевидение тили ҳақида ҳам деярли тўла тасаввурга эга бўлишни таъминлайди.

Мазкур луғат «актив» лексико-

график қўлланма ҳисобланиб, унинг вазифаси сўз ва маънолар рўйхати бўлиб қолмасдан, аввало, тилни амалий ўрганишда дастур бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, муаллифлар ўзларининг асосий вазифаларини испанча сўзлар маъносини тўғридан-тўғри ўзаро контекст билан ишлатилиши боғлиқлигини ифодалаб беришда, деб билдирди.

Луғатнинг асосий вазифаларидан яна бири, ҳар бир лексик бирлик худди белги каби ифодалаб берилгани, бунда сўзлашнинг турли ҳолатлари имкони борича тўлиқ акс эттирилган. Луғатда жуда кўп мисоллар келтирилган. Улар таниқли манбалардан олинганлиги сабабли, кенг ўқувчилар оmmasига луғатни изоҳлаш намуналарини тақдим этиш, уларнинг испан ва ўзбек тилларидаги характерли хусусиятларини англашга имконият беради.

Луғатда асосий ўринни тўғридан-тўғри (эквивалент) таржималар эгаллаган. Луғатнинг тузилишида хизмат қилган асосий манбалар Испания ва Россияда чоп этилган изоҳли ва 70 мингдан ортиқ сўз лексикаси бўлган луғатлардир. Луғат охирида грамматик илова берилган бўлиб, унда типик моделлар ва феълларнинг тусланишдаги характерли хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Мазкур луғат талабалар, ўқитувчилар, аспирантлар, таржимонлар, тилшунос олимлар ва барча испан тилини мустақил ўрганувчи шахсларга мўлжалланган. Таълим соҳасида қилинаётган бу ишлар халқаро алоқаларимизнинг мустаҳкамланишида катта воқеа бўлиши, шубҳасиз.

**Э.ЗОКИРОВ,**  
ЎзДЖТУнинг испан тили кафедраси катта ўқитувчиси

ГАРОВДАГИЛАР ОЗОД ҚИЛИНДИ


Покистоннинг жануби-шарқида гаровга олинган 2 нафар хитойлик инженер мамлакат хавфсизлик кучлари томонидан озод қилинди. Ҳаракатлар чоғида 5 нафар жангари ўлдирилган. Гаровга олинган хитойлик инженерлар Танк шаҳрида қурилаётган сув омборида ишлаётган эдилар. Уларни қўлга олган жангарилар гуруҳи Покистон ҳукумати минтақадаги антитеррор ҳаракатларини тўхтатишини талаб қилган.

Америка Қўшма Штатларининг Аризона Штатидаги Тампа шаҳрида АҚШ Президентлигига номзодлар ўртасида уюштирилган телемунозарада бир қатор муҳим масалалар юзасидан қизгин баҳс бўлиб ўтди.

Демократлар номзоди Жон Керри ўз рақиби — ҳозирги Президент Жорж Бушни яна кескин танқид қилди. «Президент Буш даврида ўрта-ҳоллар синфи вакиллари тўлайдиган солиқлар миқдори кескин ортиб кетди. Ижтимоий таъминот даражаси эса, пасайди. Бунинг барчаси адолатсиз равишда амалга оширилмоқда. Қолаверса, Президент Буш биз-

ДЕБАТЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

ни урушга олиб кирди. Ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланар экан, бизни иттифоқдошларимиздан айирди», — деди Жон Керри. Ўз навбатида Буш ҳам эътирозларини билдирди. «Бизни тинглаётган одамлар биз олиб борган солиқни камайитириш сиёсатининг фойдасини билиб туришибди. Агар сизнинг фарзандингиз бўлса, солиқларингиз озаёди. Рафиқангиз бўлса ҳам. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз бу борада имтиёзга эгасиз. Хавфсизлик масалаларига келганда эса, агар биз террорга қарши кураш йўлидан оғиб кетмасак, дунёда эркинлик ва демократия ўрнатилиши йўлида хизмат қилишда давом этсак, албатта, ўз хавфсизлигимизни таъминлай оламиз», — деди Президент Буш. Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровларга кўра, ҳозирги вақтда Жорж Буш ва Жон Керрининг 2 ноябрда бўлиб ўтадиган сайловларда голиб чиқиш бора-сидаги имкониятлари ўзаро тенгдир.



ИРОҚҚА ЯНА ЁРДАМ

— Ироққа шошилич ёрдам керак, — деб баёнот қилди Ироқ Бош вазири муовини Баҳром Солиҳ донор мамлакатларнинг Токиода бўлиб ўтган халқаро конференциясида.

Анжуманда 50 давлат вакиллари иштирок этди. Солиҳ учрашув қатнашчиларидан Ироқни қайта тиклаш учун ваъда қилинган 14 млрд. доллар маблағни йиғиб беришни сўради. Шу кунгача мамлакатга бир неча юз миллион долларлик маблағ берилган, холос. Ироқ Бош вазири муовини Баҳром Солиҳ ўз чиқишида жумладан шундай деди: «Биз сайлов арафасида турибмиз. Январда ўтадиган сайлов кунгача қолган уч ой мамлакат учун ҳал қилувчи муддатдир. Халқаро ҳамжамият ўтмиш иллатларидан қутулишимизда бизга жиддий кўмак кўрсатиш ниятида эканлигини Ироқ халқи кўриши ва тушуниши бениҳоя муҳимдир».

Халқаро анжуман иштирокчилари Ироқнинг тикланиши учун қўшимча маблағ ажратишни ваъда қилдилар. Жумладан, Еврокомиссия келгуси йили Ироққа 150 миллион доллар миқдорда ёрдам жўнатишини билдирди. Ироқ ҳукумати аввал ваъда қилинган ёрдамлар мамлакатга жуда секинлик билан келаётганини билдирди. Бу борада Ироқ ўтиш даври ҳукумати аъзоси Меҳди ал-Хафид шундай деди:

«Ваъда қилинган нарсаларни тезроқ амалга оширишимиз керак. Вазиятнинг аввалгидек давом этиши бизнинг умидларимизни оқламапти».

Руминияда НАТОга аъзо давлатлар мудофаа вазирлари учрашуви бўлиб ўтди. Унда Афғонистондаги барча ҳарбий амалиётларга қўмондонлик қилишни НАТОга топшириш тўғрисидаги АҚШ режаси муҳокама қилинди. Ҳозир бу мамлакатда АҚШнинг 18 минг нафар ҳарбий хизматчиси жойлаштирилган. 9 минг аскарли НАТО контингенти эса, Кобул шаҳри хавфсизлигини таъминламоқда. Шу вазиятга НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер ўз муносабатини билдириб, шундай деди:

МУДОФАА ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

«Афғонистонда вазифалари турлича бўлган кучларнинг мавжуд бўлиши бу мамлакатда узоқ муддатга қолишининг идеал варианты эмас. Шунинг учун ҳам амалий режамизда икки кучни бирлаштириш мақсади белгилаб қўйилган. Масаланинг майда деталларини муҳокама қилаверамиз». Бироқ Германия Мудофаа вазири Петер Штрук бу режага қарши эканлигини билдирди. Унинг таъкидлашича, НАТО ҳарбийлари Афғонистонда террорчиликка қарши курашиш учун эмас, балки тинчлик ўрнатиш учун жойлаштирилган.

Бу масалада Франция ҳам Германияга ҳамфикр эканлиги намоён бўлди. Яъни, Афғонистондаги барча ҳарбий ҳаракатлар устидан бошқарувни Шимолий Атлантика Иттифоқига топшириш тўғрисидаги АҚШ таклифини рад этди.

Йиғилишнинг иккинчи куни Руминиянинг Пайяна Брашов шаҳрида Россия — НАТО Кенгашининг мудофаа вазирлари даражасидаги учрашуви бўлиб ўтди. Йиғилиш халқаро террорга қарши курашга бағишланди.

ОВОЗ ҲИСОБЛАШ БОШЛАНДИ



Афғонистон Марказий сайлов комиссияси ўтган шанба куни бўлиб ўтган президентлик сайловида берилган овозларни ҳисоблашни бошлашга кўрсатма берди.

Айни вақтда хорижий экспертлардан тузилган мустақил комиссия сайлов қоидалари бузилгани тўғрисида тушган шикоятлар юзасидан текширувни давом эттирмоқда. Сайловнинг якуний натижалари шу ой охирида эълон қилиниши кутилмоқда. Ҳозирдаёқ кўпчилик томонидан бу сайловларда Афғонистон етакчиси Ҳамид Карзай голиб чиққан, деган фикр билдирилмоқда.

Олий таълим муассасаларида тест синовларининг жавоблари эълон қилинган, Бувайдага бирин-кетин хуш-хабарлар кела бошлади. "Фалончининг кизи юридик институтига давлат грантига ўқишга кирибди" ёки "фалончининг ўғли жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига энг юқори балл билан кирибди" мазмундаги гаплар ҳар куни туман бўйлаб ёйиладди. Энг сўнгги маълумот эса, "биргина Бувайдининг мактаб-интернатини тамомлаган ўқувчиларнинг юзга яқини олий ўқув yurtларига киришга муваффақ бўлибди" деган тарзда тарқалди. Биз бу хушхабарларнинг қанчалар ҳақиқатга яқинлигини билиш мақсадида ушбу масканга отландик.

Бувайда туманидан 7-8 қақирим узокликдаги Қўнғирот қишлоғида жойлашган 2-вилоят иқтидорли болалар мактаб-интернати сўнгги йилларда ўзининг юқори кўрсаткичлари билан нафақат Фарғона вилоятида, балки республикада етакчи ўринларни эгаллайди. Бу ерни тамомлаган ўқувчиларнинг 90 фоизи олий ўқув yurtларига ўқишга кирди.

Мактаб ҳовлисига кириб борганимизда, бир гуруҳ ўқувчилар янги хушхабарни муҳокама қилаётган эканлар. Биз ҳам уларнинг қувончларига шерик бўлдик.

— Бу йил мактабимизни 126 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, шу кунгача 100 нафардан ортиги турли олий ўқув yurtларига киришга муваффақ бўлди, — дейди мактаб директори Абдужалил Султонов. — Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Бугун кўп жойда мандат экан. Яна янги маълумотларнинг келиши, шубҳасиз. Бугунгача фақат давлат гранти асосида 5 нафар ўқувчимиз жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига, 6 нафари Тошкент давлат юридик институтига, 8 нафари ЎзДЖТУга, 15 нафари ФарДУга, 4 нафари Тошкент давлат иқтисодиёт университетига, шунингдек, ЎЗМУ, ТДТУ, ТДПУ, Қўқон давлат педагогика институтига, Андижон давлат чет тиллари институтига, тиббиёт институтларига ўқишга киришга муваффақ бўлдилар. Яна қайтариб айтаман. Бу ҳали охириги маълумот эмас. Энг қувонарлиси, Ўзбекистоннинг нуфузли олий ўқув yurtларидан бўлган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига кирган 5 нафар ўқувчиларимиздан

икки нафари 202, бири 208, бири 216 ва университет бўйича энг юқори 222 бални ўқувчимиз Сойибжон Рустамов олганлиги жамоамизни ниҳоятда тўлқинлантирди. Ахир меҳнатимиз зое кетмабди. Болаларимиз ишончимизни йилдан йилга оқлапти.

Дарҳақиқат, Бувайда тумани ўқувчилари олий ўқув yurtларига кириш бўйича вилоятда биринчи ўринда туради. Шундан асосий кўрсаткични мазкур мактаб беради. Ҳозирги кунда бу ерда 508 нафар ўқувчи ўқийди. Уларга 53 нафар тажрибали педагоглар таълим-тарбия берадилар. Ҳар йили мактаб-интернатга кириш учун 400 га яқин ариза тушади. Шундан 70 нафар ўқувчи тест-синовлари асосида 7-синфга ўқишга қабул қилинади. Ўтган йили бу ерни 110 нафар ўқувчи битириб, шундан 98 нафари

эътибор 7-9-синфларга қаратилади. Бу даврда имкон қадар болаларга пухта билим берилди. Ҳатто, сир бўлса ҳам айтиш, баъзан 10-11-синф ўқув юктамаларини ҳам 9-синфга ўтказиб, кўпроқ болалар билан индивидуал шуғулланамиз. Шу ўринда тўғрақлар фаолиятини алоҳида таъкидлагим келади. Ҳар бир фандан ҳафтада уч мартаба тўғрақлар иш олиб боради. 10-11-синфга келганда эса, болаларга бирмунча эркинлик берилди. Бу даврда улар белгиланган дастур бўйича ўқиш билан бирга, олий ўқув yurtларига кириш учун қўшимча тарзда тайёрландилар. Ҳар йили ўқувчиларимиздан камида 3-4 нафари турли фанлардан Республика олимпиадаларида иштирок этади. Мана тарих ўқитувчиси Давлатжон Мелиқўзиевнинг ўқувчилари ҳар йили тарих фанидан

**Maktablar hayotidan**

фикрларига қўшимча тарзда адабиёт ўқитувчиси Шарофиддин Йўлдошев шундай деди:

— Директор камтарлик қилиб бир жиҳатни айтмадилар. Бу ерда болаларнинг бир-бирига бўлган муносабатларни кўриб, ҳайратда қоласиз. Худди бир оила фарзандларидек бўлиб кетишган. Уларнинг ҳар бири масъулиятли. Мактаб номига лойиқ бўлиш уларнинг мақсади. Ана шу муҳитнинг ўзи болаларни тарбиялайди. Ҳозирда ота-оналар агар болаларнинг билими етарли даражада бўлмаса ҳам уларнинг яхши ўқишлари, жилла курси, шу ердаги болаларга қўшилиб, тарбияси яхши бўлишига ишонишлари туфайли бу ерда фарзандларини олиб келдилар. Бир сўз билан айтганда, чиндан ҳам ўғлини ёки қизини лицей-имизга бериш ота-оналар учун шарафга айланаётган.

Юксак кўрсаткичлар бераётган, жамоатчилик ўртасида нуфузга эга бўлган мактабда ўқувчиларнинг таълим олишлари учун етарли даражада шариоитлар яратилган деб бўлмайди. Синфхоналар етишмайди. Бир синфда 40 дан зиёд бола ўқийди. Айниқса, бу тўғрақлар фаолиятига қаттиқ таъсир қилади. Қиш кунларида болалар кутиб қоладилар. Ошхона, ётоқхоналарда ҳам аҳвол яхши эмас. Бу ҳақда лицей директори А.Султонов яна шундай дейди: — Мактабимиз нафақат туман ёки вилоятда, балки Республикада ҳам ўз нуфузига эга. Шу боис, унинг ташқи кўриниши, яратилган шарт-шароитлари кўрсаткичларимизга, фаолиятимизга монанд бўлиши керак. Ҳукуматимизнинг, шахсан Президентимизнинг таълим соҳасига кўрсатаётган ғамхўрлиги, қолаверса, Бувайда тумани ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлимининг саъй-ҳаракатлари туфайли 2006 йилда бу ерда 283 млн. сўмлик реконструкция ишларини амалга ошириш режага киритилди. Агар мана шу ишлар бажарилса, ўйлайманки, натижа бундан ҳам яхши бўлади. Ҳозирча эса, мавжуд имкониятлардан фойдаланаямиз.

**Назира ҚУРБОН кизи,**  
**"Ma'rifat" мухбири**

# МУҲИТ МАСЪУЛИЯТГА УНДАЙДИ

олий ўқув yurtига ўқишга кирган. Унинг 79 нафари давлат гранти асосидадир. Шу боис, нафақат Бувайда туманидан, балки қўшни Учкўприк, Бағдод, Данғара, Тошлок, Қувасой туманлари, Қўқон шаҳри, Наманган вилоятининг Поп, Навбахор туманларидан келган ўқишга талабгорлар йилдан йилга ортиб бормоқда. Айниқса, ота-оналар учун фарзандини шу мактабда ўқитиш шарафга айланапти.

— Ушбу мактабга бўлган қизиқиш, фақат кўрсаткич билан белгиланганими? Умуман, бу ерда ўқитиш тизими қандай? Унинг ўзига хослиги ёки афзаллиги нимадаки, бу ерда ўқишни хоҳловчилар кўп, — деган саволларимизга директор А.Султонов шундай жавоб берди:

— Гарчанд барча мактаблар ягона давлат таълим стандартларига асосланиб фаолият олиб борса-да, таълим усуллари ва ички тартиб-интизом ўзига хос тарзда бўлади. Шу маънода бизнинг мактабимизда ўқитишда асосий

республика олимпиадасида қатнашади. Ўқувчилари ҳар йили Тошкент давлат юридик институтига ўқишга киради.

Сўхбатимизга Давлат Мелиқўзиевнинг ўзи ҳам қўшилди:

— 10-11-синф ўқувчилари билан ўқитувчилар ўртасидаги чегара олиб ташланади. Бу даврда болаларнинг шахсини ҳурмат қилиш ниҳоятда муҳим. Шунингдек, уларни мустақилликка кўнантириш ҳам. Ана шу мустақил хатти-ҳаракатни биз уларнинг ички имкониятларига ташлаймиз. Улар ўз келажакларини, мақсадларини кўра олишга интилишлари керак. Юқори синф ўқувчилари қуйи синфларга тўғрақ машғулотларини олиб борадилар. Биз ҳам иштирок этамиз. Фақат кузатувчи сифатида. Ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида дўстона муносабат мавжуд. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўзaro муносабати ҳам уларнинг тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Бундан 12 йил муқаддам ушбу мак-

тахассисларнинг 8 нафари фаолият кўрсатади. Улар ҳам ўз устларида мутасил ишлаб, таълим-тарбия борасида жонажон ўқув масканларининг мавқеини яна ҳам баланд кўтаришга интилоқдалар.

Мактабда ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар биргаликда иш олиб борадилар. Айниқса, бунда ўқувчининг шахсига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Ҳар ўқув йилининг охирида юздан ортиқ ота-оналарга ташаккурнома, миннатдорчилик хатлари жўнатилади. 60 дан зиёд болаларга мақтов ёрликлари топширилади. Биз бу ердаги таълимнинг ўзига хослиги ҳақида директордан сўраганимизда, ўқув жараёнида қатъий интизом мавжудлигини алоҳида таъкидлади. Бунга кўра, 7-синфда ўқийдиган боланинг фанлар бўйича ўзлаштириши паст бўлса, яъни бир йилда олтига "уч" баҳо олса, 8-синфда учта "уч" баҳо бўлса, ўқишдан четлаштирилишини айтди. Директорнинг

Сергак ва зийрак бўлиш ички ишлар ходимлари учун асосий талаблардан бири. Айниқса, ҳозирги даврда хушёр бўлмаслик сира мумкин эмас. Шу боис, ички ишлар ходимлари билан ўтказилаётган барча йўриқномаларда огоҳ ва зийрак бўлиш ҳақида қайта-қайта ўқдирилади.

Бунинг самараси амалда ўз исботини топмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрининг Шайхонто-

лум шахс қўлидаги дипломатини ташлаб қоча бошлайди. Шубҳаси ортган ходимлар эса, уни қувиб ушлаб оладилар.

Дастлабки текширув чоғида ушбу гумдонорнинг Самарқанд туманидаги Дўстлик ширкат ҳўжалигида яшовчи И.Аббосов эканлиги аниқланади. Дипломатдан 1 донга 1945 йилда ишлаб чиқарилган "Наган" ре-

да очилди. Сергак ходимлар рағбатлантирилди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод кўрғонида яшовчи, 1982 йилда туғилган Иван С. ва Чилонзор тумани Арназой кўчасида яшовчи, Гидрометеорология коллежи 1-босқич талабаси, 1989 йилда туғилган

**Ogohlik**

## ХУШЁРЛИК ҲАМИША ЛОЗИМ

Алексей А.лар маст ҳолда Яккасарой тумани К.Яшин кўчасидан М.Улуғбек туманида яшовчи 1954 йил туғилган Григорий А.нинг "Нексия" автомашинасига йўловчи сифатида ўтириб, Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театри биноси олдига келишади. Шу ерда Алексей А. босқинчилик мақсадида ҳайдовчининг бошига тош билан уриб, жароҳат етказди.

Бу ҳолдан ўз вақтида ҳалбар топган, шу ерда хизмат ўтаётган ички ишлар ходимлари зўравон йўловчиларни воқеа жойида қўлга олдилар.

Ҳозирда юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб берилмоқда.

Мазкур уйнинг 1-йўлаги 2-3-қаватлари оралигидан эса бош қисмига номаълум ўқотар қуролдан жароҳат етказилган эркак кишининг жасади топилган, тезкор тадбирлар бошлаб юборилди.

Маълум бўлишича, жабрланувчи шу уйнинг 8-хонадонидан вақтинча яшаган Қозғистон Республикаси фуқароси, Чимкент шаҳридаги "Асака ота" газ шўба қорхонаси менежери М.Шарипов бўлиб чиқади.

Хушёрлик туфайли қотиллик жинояти ўз вақти-

## ҚЎШНИНГ БЎЛСА, МАРД БЎЛСИН

Ён қўшнию жон қўшнилари бир-бирига бефарқлиги, қўшни бошига ташвиш тушганида ёрдамга шойилмаслиги айрим кулфатларнинг ўз вақтида олдини олишга сира асқотмайди. Агарда Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги Навбахор қишлоқ фуқаролар йўғинида яшовчи фуқаро В.Абдурахмоновнинг қўшнилари ҳам салгина зийрак бўлишганида унинг ўзи ва ўғли касалхонага тушмаган бўларди.

Чунки номаълум шахс тонг саҳар чоғида унинг уйига ўғирликка тушади. Аммо уй эгаси ўйғониб қолиб, уни ушламоқчи бўлганда ўғри қўлидаги чопки билан унга жароҳат етказди. Ачинарлиси, хонадон соҳибининг 7-синфда ўқийдиган ўғли Умид ҳам жиноятчини ушлашда отасига ёрдамлашмоқчи бўлганда унинг чопқисидан жароҳат олди.

Ўғри уйдан ўлжасиз қочиб кетди. Жабрланувчилар касалхонага ётқизилди. Ички ишлар ходимлари саъй-ҳаракатларидан сўнг хусусий пахта титиш цехида ишловчи 1987 йилда туғилган

йигитча Отабек С. қўлга олинди. Хўш бу бақир-чақирдан қўшнилари беҳабар бўлганми? Сира ишонгинг келмайди!

Очигини айтиш керак, бундай ҳолларда асосан кўп қаватли уйларда яшовчилар байроқни қўлга олишда Тунги бақир-чақирларга сира эътибор қилгиси келмайди. Ҳатто безори босқинчиларнинг дастидан азият чекиб ёрдамга чақирган қўшнисига ёрдамга чиқмаган қўшнилари ўз кўзим билан кўрганман.

Ачинарлиси улар жилла курси, милицияни чақирса ҳам жабрдийда бу қадар азоб очмайди. Жиноят вақтида чекмайди. Аммо афсуски, улар фуқаролик бурчини ҳам эплаб бажаргиси келмайди. Кўрсатма беришдан қочади. "Оч қорним тинч қулгим" — уларнинг шиори.

Бундай чоғларда маҳаллада, ҳовлиларда яшовчилар бўлакча. Улар 10-15 метр нарида яшаса-да, қўшнисига бефарқ эмас.

Масалан, Самарқанд тумани Самарқанд ширкат ҳўжалигида яшовчи 1975 йилда туғилган Ш.Набиев юзига ниқоб кийган ҳолда "Сатурн" фирмаси директо-

ри М.М.нинг ҳовлисига девор олиб кириб, уйдан қимматбаҳо нарсаларини ўғирламоқчи бўлганда уй эгаси ўйғониб қолади. Шунда у уй эгасининг бошига темир бўлаги билан уриб, энди қочман деганида хонадон соҳибининг хотини ва қизи ҳам ўйғониб уни туттишга уринадилар. Номард ўғри уларнинг қангалидан қутулиш учун аёлларни ўтқир тўғли жис билан жароҳатлайди. Аммо, бўлди, ҳаммасини тинчитдим деганида қўшниларга дуч келади. Уларни қалғитишга уриниб, яна қочишга чора излайди. Кўпдан қуён қочиб қутилмас деганларидек, чақирик бўйича зудлик билан етиб келган ички ишлар ходимлари тезкорлиги туфайли қўлга олинган ўттиз ёшли Ш.Набиевни ички ишлар ходимлари тергов қилишмоқда.

Хулоса ўрнида бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. "Ўзим тинч бўлсам бўлди", дея беғамликка берилдиган кишиларга қўшнилари ҳам шундай муносабатда бўлишади. Зеро, халқимизда "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган нақл бежизга айтилмаган.

**Ш.РЎЗИЕВ,**  
**НИВ ходими**

# «ТОШКЕНТ ОПЕН» МУСОБАҚАЛАРИ


Пойтахтимиздаги Тошкент теннис марказида WTA Tour туркумига кирувчи «Тошкент опен» анъанавий аёллар халқаро теннис турнирининг яқкалик ва жуптлик баҳслари қизгин ва муросасиз курашларга бой бўлди.

Яқкалик баҳсларидаги айрим учрашувларда қутилмаган натижалар қайд этилди. Зимбабведан келган таниқли ракетка устаси Кара Блэк чехиялик Николе Ваидисовага 6:4, 6:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Испаниялик Марта Марреро уч сет давом этган баҳсда «Тошкент опен» турнирининг доимий иштирокчиси Татьяна Пучекни (Белорус) мағлуб этди - 4:6, 6:2, 6:4.

Тажрибали Анке Барна (Германия) ҳамда россиялик Екатерина Бичкова ўртасидаги ўйин 7:5, 6:1 ҳисобида немис теннисчиси фойдасига ҳал бўлди. Яна икки нафар немис спортчиси - Анна-Лена Гроенефелд ва Антония Матик баҳси 6:4, 6:4 ҳисобида яқунланди.

Антонелла Серра Занетти (Италия) эса, яқкаликдаги дастлабки учрашувда германиялик Жулия Шруффдан устун келди. Италиялик теннисчи биринчи сетни 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди, кейингисида 3:0 ҳисобида ортда бораётган Ж.Шруфф мусобақани давом эттиролмаслигини билдирди. Энди италиялик спортчи дастлабки босқичда турнирнинг биринчи рақамли ракеткачиси Марион Бартоли (Франция) устидан галаба қозонган Ирода Тўлагановага қарши кортга чиқади. «Тошкент опен» халқаро турнирининг жуптлик баҳсларида дастлабки ярим финалчилар аниқланди. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган оилавий дуэт — Андриана ва Антонелла Серра Занетти (Италия) иккинчи даврада украиналик Олена Антипина ва белоруслик Екатерина Зехалевич жуптлигини 6:2, 6:3 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўланма олди.

Жуптлик баҳсларида қатнашган ҳамюртларимиз Влада Яхшибарова ҳамда Дилёра Саидхўжаева россиялик жуптлик - Екатерина Бичкова ва Ма-



рия Головизнигина 0:6, 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Украиналик Юлия Бейгелзимер хорватиялик Силвия Талая билан бирга Надежда Островская (Беларус) ва Ольга Савчук (Украина) жуптлигини енги - 7:6, 5:7, 6:1.

Яқкалик беллашувларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ирода Тўлаганова иккинчи босқичда италиялик Антонелла Серра Занетти билан куч синашди. Бироқ эндигина жароҳатдан қутилган ҳамюртимиз рақибасидан 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

Турнирнинг иккинчи рақамли ракеткачиси Мэган Шонесси (АҚШ) маҳорат ва тажриба бобида украиналик Юлия Байгелзимердан устунлигини исботлади - 6:1, 6:1. Испаниялик Марта Марреро белоруслик Надежда Островскаядан устун келди - 6:3, 6:1.

Қолган яқкалик баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Ольга Савчук (Украина) - Евгения Линецкая (Россия) 3:6, 6:0, 6:4, Николе Ваидисова (Чехия) - Анна-Лена Гроенефелд (Германия) 6:2, 6:3.

**Жуптлик баҳсларида** Анка Барна (Германия) ҳамда Аранта Парра Сантоня (Испания) жуптлигини 4:6, 6:2, 6:3 ҳисобида мағлуб этган франциялик Марион Бартоли ва италиялик Мара Сантангело ярим финалга чиқди.

**Х.ПАЙДОВ**  
олган  
суратлар.



Ўзбекистонлик миллионлаб футбол мухлисларининг кўнгли жойига тушди: мамлакатимиз миллий терма жамоаси 13 октябрь оқшомида Иордания давлати пойтахти Амман шаҳрида 2006 йилда Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида гуруҳдаги асосий рақиби бўлган Ироқ терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этишди. Йил бошида Тошкентда бўлиб ўтган дастлабки тур ўйинида 1:1 ҳисоби қайд этилган, кўплаб футболсевар мухлислар қалбида шу кунга қадар ҳадик бўй кўрса-

ҳеч нарса қолмаган эди. Ана шу ҳужумларнинг бири гол билан яқунланди. 24-дақиқада Қусай Мунир орадаги фарқни биттага қисқартиргач, арабларда яна умид учкунлари пайдо бўлди. Аммо улар ҳисобни тенглаштиришнинг уддасидан чиқа олишмади. Айниқса учрашувнинг 69-дақиқасида Ҳайдар Жаббор Ҳадимнинг майдондан четлатилиши ироқликларнинг умидини сўндириб юборди. Шу тариқа мамлакатимиз терма жамоаси футболчилари Ироқ устидан 2:1 ҳисобида галаба қозониб, ўз гу-

## Futbol

Европада ҳам «ЖЧ — 2006» саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Голландия — Финляндия 3:1, Арманистон — Чехия 0:3, Андорра — Македония 1:0, Дания — Туркия 1:1, Украина — Грузия 2:0, Қозоғистон — Албания 0:1, Португалия — Россия 7:1, Латвия — Эстония 2:2, Люксембург — Лихтенштейн 0:4, Кипр — Франция 0:2, Ирландия — Фарер ороллари 2:0, Италия — Беларус 4:3, Молдова — Шотлан-

# ҲОЗИРЧА ҲАММАСИ ЖОЙИДА

тиб тургани бор гап. Чунки Ироқ терма жамоасининг Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ҳамда Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинларидаги шижоати ўзбек футбол мухлисларининг 13 октябрь санасини умид аралаш ҳадик билан кутишини «таъминлаган» эди. Ниҳоят ҳадиксирашга ўрин қолмади. Ўзбекистон терма жамоаси футболчиларининг ҳамжихатликда, рақибдан чўчимай тўп суришлари (қолаверса, ҳамюртларимиз араб футболчиларидан руҳий тоmondан ҳам устун эди) керакли натижага эришишда асосий омил бўлди. Футболдаги «тезкор гол» қондасига амал қилган юртдошларимиз учрашувнинг 10-дақиқасидаёқ ҳисобни очишга эришишди. Максим Шацких томонидан киритилган голдан сўнг ҳам руҳий, ҳам тактик жиҳатдан ўйинни кучайтирган футболчиларимиз 22-дақиқага келиб, 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишди. Шундан сўнг ироқлик футболчилар жон-жаҳдлари билан ҳужумга ташланишди. Зеро, энди уларнинг йўқотадиган

руҳида яқка пешқадам сифатида мuddатидан олдин кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди.

Шунингдек, 13 октябрь куни Осиё китъаси мамлакатлари терма жамоаларининг «ЖЧ — 2006» йўлидаги гуруҳ ўйинлари ҳам бўлиб ўтди. Натижалар қуйидагича:

Қатар — Эрон 2:3, Лаос — Иордания 2:3, Уммон — Япония 0:1, Сингапур — Ҳиндистон 2:0, Қувайт — Хитой 1:0, Гонконг — Малайзия 2:0, Таиланд — БАА 3:0, КХДР — Яман 2:1, Сурия — Баҳрайн 2:2, Тожикистон — Қирғизистон 2:1, Ливан — Жанубий Корея 1:1, Мальдив ороллари — Вьетнам 3:0, Индонезия — Саудия Арабистони 1:3, Шри-Ланка — Туркменистон 2:2.

Гуруҳ ўйинлари тугашига бир тур қолганда Ўзбекистон, Япония, КХДР ва Саудия Арабистони терма жамоалари навбатдаги босқич масаласини ҳал қилиб бўлишди.

Гуруҳ ўйинларининг охириги тур учрашувлари 17 ноябрь куни ўтказилди.

Чоршанба оқшомида

дия 1:1, Норвегия — Словения 3:0, Озарбойжон — Англия 0:1, Уэльс — Польша 2:3, Шимолий Ирландия — Австрия 3:3, Сербия ва Черногория — Сан-Марино 5:0, Литва — Испания 0:0, Болгария — Мальта 4:1, Исландия — Швеция 1:4.

МДХ мамлакатлари терма жамоаларидан юртимиз футболчилари кейинги босқичга йўл олган бўлса, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон (Осиё) футболчилари 2006 йилда Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатидан умидларини узиб бўлишди. Украина эса, ўз гуруҳида етти жамоа орасида ҳозирча биринчи ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, ўз гуруҳларида Литва 2-ўринни, Эстония 3-ўринни, Россия, Беларус жамоалари 4-ўринни, Латвия, Грузия 5-ўринни, Арманистон, Қозоғистон, Молдова ҳамда Озарбойжон (Европа)сўнги ўринларни банд этиб туришибди.

**Шерали МАҲМАРАЙИМ**  
ўғли

## УСТОЗЛАР БЕЛЛАШУВЛАРИ

Андижон шаҳридаги «Ёшлик» ўйингоҳида вилоят халқ таълими божқармаси, «Ёшлик» кўнгли спорт жамаиоти, вилоят таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳокимлигида мактаб ўқитувчилари ўртасида спортнинг энгил атлетика, шахмат-шашка, арқон тортиш турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда шаҳар, туманлардан 12 жамоада 180 дан зиёд мураббий иштирок этди.

Қизгин курашлар остида ўтган энгил атлетика бўйича 100 метр, 200 метрга югуриш, 400 метрга эстафета югуриш баҳсларида Марҳамат тумани вакиллари тенг келадиган рақиб топилмади. Избоскан, Булоқбоши тумани жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. Шашка бўйича Избоскан тумани ўқитувчи-мураббийлари юқори натижаларга эришиб, голибликни қўлга киритдилар. Шахмат ўйинларида энг кўп очко тўплаган Пахтаобод тумани

жамоасига биринчи ўрин насиб этди.

Арқон тортиш беллашувлари, айниқса, қизиқарли ўтди. Финал учрашувида Хонобод шаҳри ва Шаҳрихон тумани полвонлари бош соврин учун баҳлашдилар. Омад шаҳрихонлик устоз спортчиларга насиб этди.

Фахрли ўринларни эгаллаган шаҳар, туман жамоалари ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

**О. СИДДИҚОВ**

## МЧЖ «МУЗАННИВ-РАССОМ»

**Тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари учун зарур бўлган геометрик шака ва гипсдан розеткалар, турли мева ва сабзавотлар шамли муаяяни, ҳайкал ва унинг бўлақлари, рангли грапировка (матю)лари, расм ва чизмачилик дастгоҳлари (мольберт)ни тавсия этади.**

**Буюртма бўйича бюстлар бажаради.**

**Тўлов шакли пул ўтказиш ёки нақд пул орқали амалга оширилади.**

**Манзил: Қушбеги мавзеси, 11-а.**  
**Телефонлар: 50-32-72, 54-80-13, 108-86-74.**

**ОЛТИН ДАРАХТ ЯПОНИЯДА ЎСАДИ...**

Дарaxт улар орасида Атлас, Бах-мал, Соғ бўлинг, Аждар, Қовун, Олтин, Кумуш, Темир, Тош, Кулупнай, Конфет, Сигир, От, Ёғ-мой, Шам, Совун, Мармар, Ниқоб, Жаннат, Қор, Лола, Нон, Шойи, Жун, Кабу-тар, Гўшт, Сабза-вот каби номла-надиганлари бор. Булардан, ма-салан, Аждар дарaxтининг бўйи 20 метргача етади, танасини кессан-гиз суюқлик чиқади. Мурдаларни мўмиёлашда Драцена драко дарax-тидан олинадиган суюқлик ишла-тилади.

ган дарaxтнинг танаси кесилса, ундан сутсимон, юқори сифатли каучук оқади. У Amerikaning жану-бидаги тропикларда ўсадиган анча басавлат Геveya дарaxтидир. Олтин дарaxт деб Японияда ўсадиган, тил-ларанг тусда товланиб турадиган Аукуба бу-тасини айтишади. Химолайда ўсадиган Дрен дарaxти эса, кулупнайга ўхшайди. Аммо, мевасини еб бўлмайди.

**Bilasizmi?**

**Зебохон МЎМИНОВА,**  
**НамДУ кимё-биология**  
**факультети талабаси**

Йиг'ловчи дарaxт деб аталади-

**ОНАМГА**

Онажон, қалбимнинг гавҳаридирсиз,  
Юрагим малҳами сизсиз, Онажон.  
Сизни соғинаман сиздан олисда,  
Хаёлингиз ўйим этгай нурафшон.

Сиз борсиз — қадрдон олис қишлоғим,  
Узун тераклару баланд чинорлар.  
Ўша чинор каби умр кўрингиз,  
Сочингизга асло қўнмасин қорлар.

**Моҳичехра БАҲОДИРОВА,**  
**Тошкент гидрометеорология**  
**коллежи ўқувчиси**

Ko'ngil  
bitiklari

**Бошқотирма**

Ушбу бошқотирмада ХХ аср жаҳон адабиётининг энг машхур адаблари номи яширинган. Су-ратлар ва асарлар асосида ёзувчилар номини топишга ҳаракат қилинг.

1. "Асрга татигулик кун".
2. "Уллис" ("Одиссея").
3. "Қумдаги хотин".
4. "Елғизликнинг юз йили".
5. "Уста ва Маргарита".
6. "Чол ва денгиз".
7. "Тинч Дон".
8. "Форсайтлар ҳақида қисса".
9. "Америка фожеаси".
10. "Доктор Фаустус".
11. "Хонадон ва жаҳон".
12. "Василий Тёркин".
13. "Дунё чўнтақдадир".
14. "Йўқотилган вақтни қидириб".
15. "Тоғлар садоси".
16. "Бегона".
17. "Ўқчик".
18. "Эврилиш".
19. "Ўйин".
20. "Майитларни таҳқирловчи".
21. "Ҳаёт шоми".
22. "Чой ва чақа".
23. "Жан Кристоф".
24. "Орзиқиб кутаман эртани".
25. "Доктор Живаго".
26. "Хусусиятдан холи одам".
27. "Расёмон дарвозаси".
28. "Кўрқинчи туш".
29. "Чолиқуши".
30. "Чўқинтирилган ота".
31. "Хелладос".
32. "Виктория".
33. "Лолита".
34. "Орзулар денгизи".
35. "Яша ва ёдингда тут".
36. "Мартин Иден".
37. "Ференгейт бўйича 451-градус".
38. "Одам-амфибия".
39. "Солярис".
40. "Қил кўприк".
41. "Китлар худоси".
42. "Абай йўли".
43. "Бола пошшо".
44. "Гладиатор".
45. "Гулаг архипелаги".
46. "Дзенонинг ўзини англаши".
47. "Гадани кутиб".
48. "Кўк ва яшиллар".
49. "Сўна".
50. "Император телбаликлари".

**Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**


**АЙТАБЭБУАКУЭГСУО**  
**ТАМЙСРКЛГОГЙОЛСР**  
**ОВЖОМАЕСХВНШОХИД**  
**МТАГТВАЧЕМИОЛОАР**  
**АННООДРЕЙСПРУВЙЗ**  
**КАЙРВКЮСАКАФСТРЕ**  
**АВИКСАМТРОФАККОРТ**  
**БАТШЕЛДРОГПТНМА**  
**МУАРЮНОПОЛАУМАОС**  
**НЗИЛЭОНАЛКНЕРМЭА**  
**ЕСИНКСЕСЛАНКЗВЕР**  
**БРЕЛКОФТЕРНАВЕСИ**  
**ЕБДЕМИРЕМБЕККОКОН**  
**РИАВИТЕРОККАЗАВЧ**  
**БЕЛЕРЮПИВЕТВОЙНИ**  
**ВЕЯЗАЗСЖЕЦИНОСРА**  
**ЛОВОЭКОЛНИНКРСПС**  
**ГНННПБАДЗЕАПТОУТ**  
**УДОИЮМУГСУБЛАНОИ**  
**НТЕКЗОДАМНОКОВВН**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ !**

XI аср бошида Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

**Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асосида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган лотин имлосидаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.**

**ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН**

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўрғони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати  
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15  
Хусусий тадбиркор "Исроилов Дилмурод Зокирович"

**Xullas...**

**ЎҚДАН ҲАМ ТЕЗКОР**

нима бўлиши мумкин? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу инсоннинг қўлларидир. Буни аниқлашда эса, компьютер қўл келар экан. Ўтган асрнинг 80-йилларида Жанубий Африка Республикаси фуқароси Энн Морель 5 минут мобайнида 78 қаторлик матн ёзиб, рекорд кўрсаткичга эришган эди. Бармоқлар шу қадар эпчиллик билан клавиатурада ўйнайдики, бу пистолетда отилган ўқдай учқур, тезкор.

Данияда ўтказилган очик чемпионатда москвалик Михаил Шестов 5 минг иштирокчи орасида мутлақ голибликни қўлга киритди. Минут, яъни белгиланган вақт мобайнида у бехато 785 қаторлик матнни тайёр ҳолга келтирди. Касби журналист бўлган Шестов голиб чиқиш учун бармоқларини роса машқ қилдирган кўринади. У ўзи билан қизиққанларга шундай деди: «Мен ҳар қандай Европа мамлакатаи тилида ҳам шундай натижага эришим мумкин».

Бунга ишонса бўлади...

**МАШИНА ТУГУЛ ГАРАЖ ҲАМ ЙЎҚ**

Автомашинани гаражда сақлаш хавфсиз, деб ҳисобланар эди. Аммо қилни қирқ ёришга қодир ўғри зоти автомобилни гаражи билан кўтариб кетишнинг ҳам уддасидан чиқар экан. Шундай ҳодиса Липецк шаҳрида содир бўлди.

... Эрталаб ишга кетмоқчи бўлган киши гаражи ёнига келиб, қотиб қолди: машинаси гараж-паражи билан йўқ эди. Ўғри қандай қилиб катта юкни кўтариб кетди экан, бу ёғи жумбоқ. Автокран билан олиб кетдими ёки вертолёт биланми, ақл бовар қилмайди. Ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари ўғрини тезлик билан топишга ваъда қилганлари йўқ, чунки жиноят содир қилинган жойда ҳеч қандай белги кўзга ташланмапти.

Сўраб-суриштирув, қидирув ишлари давом этмоқда. Қайдам, машинани гаражи билан ўғирлаган фирибгар тутқич бермасликнинг чорасини ҳам обдон пишитган бўлса керак.

**ana shunaqa gaplar**

**Ma'rifat**

**ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:**  
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси.

**Бош муҳаррир:**  
**Ҳалим САИДОВ**

**Тахрир ҳайъати:** Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукр ЖОНБОВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

**ИНДЕКС: 149. Г-1129.**  
**Тиражи 19844. 1 3 4 5 6**  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:  
Зухра БОБОХҲАЕВА.  
Навбатчи:  
Азиз НОРҚУЛОВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиб таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллимга қайтарилмайди.

М белгиси остида реклама материаллари берилмайди.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

**E-mail: marifat@ars-inform.uz**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси соғувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА  
ва Малоҳат ТОШОВА  
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акционерлик компанияси  
босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди — 21.00.